17 АПР. 1989.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 87 (6. 786) 1989 йил 15 апрель, шанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ Уртоқ М. С. Горбачевнинг Грузия коммунистларига, барча меҳнаткашларига мурожаати эълон қилинган.

⊙ «Узга масъадагига ҳурмат» — «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасидаги снёсий тарбия мавзуига бағишланган мақола ана шундай номланади.

⊙ Газетанинг олтинчи саҳифасидаги «Фавқулодда вазият» рубрикали «Фожиа ва жасорат» мақоласида Норвегия денгизида чўкиб кетган «Комсомолец» совет тажриба сув ости кемасида рўй берган фожиа тафсилотлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкент шаҳар Советининг сессияси

Кеча йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўққизинчи сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари КПСС XXVII съезди талаблари асосида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ва аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматларни ривожлантириш Комплекс программасини амалга ошириш ҳамда шаҳарни халқ истеъмоли товарлари ва пулли хизмат билан таъминлашни ташкил этишни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

(Тошкент шаҳар Советининг сессияси ҳақида ҳисобот газетада эълон қилинади).

Акс садо

«ХАЛҚНИНГ КУЧИ АҲИЛЛИКДА»

Ана шу сарлавҳа остида республикамиздаги бир гуруҳ партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг «Тошкент оқшоми» газетасининг 1989 йилнинг 6 апрель сонида эълон қилинган мурожаати шаҳримиз ишчилари, хизматчилари, корхона, муассаса ва ташкилотларининг вакиллари, кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Ёшларга қарата қилинган бу даъватнинг жойларда қўллаб-қувватланаётганлиги редакциямизга келаётган мактубларда қайд этилмоқда. Қуйида уларнинг айримлари билан таништирамиз.

ЁШЛАРНИ ЧАЛҒИТМАНГ

Яқинда Ленинграддаги «Киров заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 220-цехидаги комсомол-ёшлар бригадасидан хат олдик. Унда мусобақадошларимиз ўз ишлари, қайта қуришни таъминлашга қўшаётган ҳиссалари ҳақида ҳикоя қилишган эди. Бригадамиз коллективининг ленинградлик ёшлар билан меҳнатдаги беллашуви ижодий ҳамкорликка асосланди. У Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейига тайёргарлик кўрилаётган пайтда бошланган эди. Ўшандан буён ўзаро мусобақа такомиллашиб бормоқда. Бир-биримиздан яхши ишлаш сирларини ўрганяпмиз, ютуқ ва тажрибаларимизни баҳам кўряпмиз. Турли миллатларга мансуб ёшларнинг бундай дўстлиги қайта қуриш самараларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашмоқда.

Кейинги вақтда ҳар хил норасмий намойишлар, митинглар бўлиб ўтаётгани тўғрисидаги гаплар бизни ташвишлантирмоқда. Ҳамшаҳарларимиз ёшларнинг кераксиз хатти-ҳаракатларидан қаттиқ хавотир олмоқдалар. Бу кайфиятга, одамларнинг осойишта меҳнатига ёмон таъсир этмоқда. Республикамиз ветеранларининг яқинда ана шундай куюнчаклик билан ёшларга қарата айтган гапларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу фақат менинг эмас, коллективимиздаги кўплаб машинасозларнинг фикридир.

Тўғри, ҳозир айрим муаммолар жуда секинлик билан ҳал этилмоқда. Аммо митингбозлик билан уларни ҳал қилиб бўлмайди. Ёшларни чалғитмоқчи бўлганлар бу ҳақда ўйлаб кўришар.

М. ЮСУПОВ,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 26-йигув-механика цехи комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи.

БИЗДАН ЁРДАМ КУТИШМОҚДА

Кейинги вақтда баъзи бир ёшларнинг рухсат этилмаган намойиш ва митингларда қатнашаётганликлари ҳақидаги гапларни эшитганимда аввалига ишонмаган эдим. Ветеранлар мурожаати эълон қилинганидан кейин кўнглимга ғулғула тушди. Баъзи бир тенгқурларимизнинг тутаётган йўли, қилаётган ишларидан очиғи, хафа бўлдим. Аслида бундай воқеа-ҳодисаларга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Ўзим талабаман. Бўш вақтларимда бошқа институт ва техникумларда тенгдошларимнинг олдида тез-тез бўлиб тураман. Ана шунда улар студентларимизнинг ўқиш ва турмуш шароитларига кейинги йилларда эътибор кучайиб бораётганини эътироф этишади. Шундай экан, нотўғри йўлга бошловчиларга аввало ўзимиз зарба беришимиз керак, деб ҳисоблайман.

Ҳозир давлат аҳамиятига молик муаммоларни босиқлик билан ҳал этиш чораларини кўрилмоқда. Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда ёшларнинг роли ортиб бораяпти. Кўпни кўрган ветеранларимиз алоҳида таъкидлаганларидек, «Сўздан амалий ишларга ўтиш, революцион қайта қуриш ва янгиланиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш, партия ва ҳукуматга илмий ва амалий негиз асосида конструктив тошишда фаол ёрдам бериш пайти келди».

О. МАХМАЮСУПОВ,
Тошкент «Технология» техникуми битирувчиси.

ҲАММАМИЗГА ИБРАТЛИ

Оғир кунларни кўрган, ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини бошидан кечирган бир группа партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг ёшларга мурожаатини ўқиб анча таъсирландим. Уларнинг эртанги кунимиз ворисларини адолатли бўлишга, одил йўлни танлашга қарата қилган даъвати ҳеч кимни бефарқ қолдириши мумкин эмас. Мақолада айтилганидек «Маънавий камолотга, ахлоқий софликка, меҳнатда, ўқишда онгли интизомга, катталарни ҳурматлашга ва ёшларга авайлаб муносабатда бўлишга интилиш, юксак ғоялар ва олижаноб мақсадлар учун курашиш керак. Бу фазилатларнинг ҳаммаси ёшларимизга ҳамиша хос бўлган ва улар келажакда ҳам ана шундай бўлиб қолишлари лозим».

Ҳозир республикамиздаги, жумладан шаҳримиздаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракат тобора кучаймоқда. Кўпчиликнинг фикр-мулоҳазалари, танқидий эътирозлари ўрганиб чиқилиб, тегишли тадбирлар белгиланмоқда. Биринчи маротаба Наврўз байрамини оммавий тарзда нишонлаётганимизнинг ўзиёқ халқнинг талаб ва эҳтиёжлари кейинги вақтда кенг ҳисобга олинаётганлигидан далолат бериб турибди. Аммо шундай даврда айрим ёшларнинг, олий ўқув юртлари талабаларининг ўзларига номуносиб бўлган хатти-ҳаракатлар билан шуғулланаётганликлари бизни таажжублантиради.

СССР Конституциясида ҳар бир миллат ва элат вакилларининг, ҳар бир совет кишисининг тенг ҳуқуқлилиги озод ва эркинлиги белгилаб қўйилган. Бу эркинлик ва тенгликдан ҳозирги ёшларимиз ҳам бебаҳра эмас.

Мен ҳам студент бўлганман. У пайтларда институтларда яхши ўқиш учун ҳозиргидагидек қулайликлар йўқ эди. Энди эса студент-ёшларга эътибор кучаймоқда. Уларнинг талаб ва эҳтиёжлари қондириб бориляпти. Яхши малакали мутахассис бўлиб етишишларига имкониятлар яратилмоқда.

Отахонларимизнинг мурожаатномада жон қуйдириб айтган гаплари бизлар учун ибратлидир. Уларнинг фикрини астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Ф. ҒОФУРОВ,
«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси хизматчиси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 13 апрелдаги мажлисида мамлакатимиз ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик ислоҳотига оид масалаларни муҳокама қилган. Ислоҳотнинг бораётганлиги ҳақида масала кўриб чиқилди. Лойиҳада баён этилган чора-тадбирларни амалга ошириш социалистик демократияни янада ривожлантиришга, халқ депутатлари Советларининг ҳокимиятини тиклашга, уларнинг давлат ҳокимиятини тўла ҳокимиятини амалга оширишга, халқнинг ўзи бошқаришини ташкил этишга қаратилган.

Сиёсий бюро мажлисида таъкидланганидек, ислоҳотнинг моҳияти ва маҳаллий хўжалик масалаларини муҳокама қилиш, маҳаллий хўжалик фаолиятини бирмунча эгаллаш, тақсимот соҳасида, социал адолат принципларини амалда рўёбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишлиги уқтирилди.

Олдиндан жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган касаба союзлари ишчи назорати тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро мажлисида кўрилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Қонун лойиҳасини пухталаштириш, уни иттифоқдош республикаларга, министрликлар ва идораларга юбориш мақсадга мувофиқ деб топилди. Кейинчалик комиссия тушган таклифларни ҳисобга олиб, биринчи муҳокамадан сўнг у умумхалқ муҳокамасига қўйилишини кўзда тутиб, Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва хизмат соҳаси ишлари устидан ишчилар назоратини янада кучайтириш масалаларини муҳокама қилди. Касаба союзларининг ишчилар назорати ўз фаолиятини бошқа назорат қилувчи органлар билан мувофиқлаштириб ва маҳаллий Советлар ҳамда жамоатчиликнинг фаол мадади билан ана шу тармоқларда назорат системасида етакчи ўринни эгаллаши, тақсимот соҳасида, социал адолат принципларини амалда рўёбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишлиги уқтирилди.

Олдиндан жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган касаба союзлари ишчи назорати тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва хизмат соҳаси ишлари устидан ишчилар назоратини янада кучайтириш масалаларини муҳокама қилди. Касаба союзларининг ишчилар назорати ўз фаолиятини бошқа назорат қилувчи органлар билан мувофиқлаштириб ва маҳаллий Советлар ҳамда жамоатчиликнинг фаол мадади билан ана шу тармоқларда назорат системасида етакчи ўринни эгаллаши, тақсимот соҳасида, социал адолат принципларини амалда рўёбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишлиги уқтирилди.

Олдиндан жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган касаба союзлари ишчи назорати тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро мажлисида кўрилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Қонун лойиҳасини пухталаштириш, уни иттифоқдош республикаларга, министрликлар ва идораларга юбориш мақсадга мувофиқ деб топилди. Кейинчалик комиссия тушган таклифларни ҳисобга олиб, биринчи муҳокамадан сўнг у умумхалқ муҳокамасига қўйилишини кўзда тутиб, Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва хизмат соҳаси ишлари устидан ишчилар назоратини янада кучайтириш масалаларини муҳокама қилди. Касаба союзларининг ишчилар назорати ўз фаолиятини бошқа назорат қилувчи органлар билан мувофиқлаштириб ва маҳаллий Советлар ҳамда жамоатчиликнинг фаол мадади билан ана шу тармоқларда назорат системасида етакчи ўринни эгаллаши, тақсимот соҳасида, социал адолат принципларини амалда рўёбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишлиги уқтирилди.

Олдиндан жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган касаба союзлари ишчи назорати тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва хизмат соҳаси ишлари устидан ишчилар назоратини янада кучайтириш масалаларини муҳокама қилди. Касаба союзларининг ишчилар назорати ўз фаолиятини бошқа назорат қилувчи органлар билан мувофиқлаштириб ва маҳаллий Советлар ҳамда жамоатчиликнинг фаол мадади билан ана шу тармоқларда назорат системасида етакчи ўринни эгаллаши, тақсимот соҳасида, социал адолат принципларини амалда рўёбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишлиги уқтирилди.

Олдиндан жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган касаба союзлари ишчи назорати тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро мажлисида кўрилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Қонун лойиҳасини пухталаштириш, уни иттифоқдош республикаларга, министрликлар ва идораларга юбориш мақсадга мувофиқ деб топилди. Кейинчалик комиссия тушган таклифларни ҳисобга олиб, биринчи муҳокамадан сўнг у умумхалқ муҳокамасига қўйилишини кўзда тутиб, Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва хизмат соҳаси ишлари устидан ишчилар назоратини янада кучайтириш масалаларини муҳокама қилди. Касаба союзларининг ишчилар назорати ўз фаолиятини бошқа назорат қилувчи органлар билан мувофиқлаштириб ва маҳаллий Советлар ҳамда жамоатчиликнинг фаол мадади билан ана шу тармоқларда назорат системасида етакчи ўринни эгаллаши, тақсимот соҳасида, социал адолат принципларини амалда рўёбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишлиги уқтирилди.

Олдиндан жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган касаба союзлари ишчи назорати тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро мажлисида кўрилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Қонун лойиҳасини пухталаштириш, уни иттифоқдош республикаларга, министрликлар ва идораларга юбориш мақсадга мувофиқ деб топилди. Кейинчалик комиссия тушган таклифларни ҳисобга олиб, биринчи муҳокамадан сўнг у умумхалқ муҳокамасига қўйилишини кўзда тутиб, Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва хизмат соҳаси ишлари устидан ишчилар назоратини янада кучайтириш масалаларини муҳокама қилди. Касаба союзларининг ишчилар назорати ўз фаолиятини бошқа назорат қилувчи органлар билан мувофиқлаштириб ва маҳаллий Советлар ҳамда жамоатчиликнинг фаол мадади билан ана шу тармоқларда назорат системасида етакчи ўринни эгаллаши, тақсимот соҳасида, социал адолат принципларини амалда рўёбга чиқаришда нуфузли куч бўлиб қолишлиги уқтирилди.

Олдиндан жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган касаба союзлари ишчи назорати тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этиши керак.

Сиёсий бюро мажлисида кўрилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Қонун лойиҳасини пухталаштириш, уни

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Катта оилаларга

⊙ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Г. Петров ҳасида 2-уйсозлик комбинатига қашли 60-қурилиш бошқармаси колективи 9 қаватли, 123 квартирали, катта оилаларга мўлжалланган турар-ой биносини фойдаланишга тахт қилиб йди.

Бинонинг биринчи қаватида «Нон-т» маҳсулотлари билан савдо қиладиган магазин жойлашади.

Суткасига 30 тонна

⊙ ТОШКЕНТ нон ишлаб чиқариш рлашмасининг 3-нон заводида янги ли ия ишга тушди. Печ ўрнига эндиликда монавий, ярим автомат, самарадорлиги юқори бўлган янги линияда суткасига 30 тонна бўрсилдоқ нон ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлинди. Табиий з ва электр қуввати билан ишлайдиган тандир печлар ўтмишдошига нисбатан 20 процент кўп самарадорликка эга. Бу печ сутка давомида тўхтовсиз ишлайди. Ҳар қандай сортли ундан тайёрланган хамирни пиширш мумкин.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Корхона ёнида

⊙ ЯҚИНДА «Алгоритм» массивидаги озиқ-овқат ва пойафзал магазинлари ёнида маданий моллар билан савдо қилувчи яна бир магазин ишга тушди. Бу ерда радио, телевизор ва бошқа аппаратларни харид қилиш мумкин. Шунингдек, унда массивда яшовчи мактаб ўқувчилари ўқув қуролларини сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

А. РУСТАМОВ.

«Саломатлик» комплекси

⊙ ЛУНАЧАРСКИЙ шоссеси ёнида «Саломатлик» спорт комплекси ишга тушди. Бу ерда эркаклар ва аёллар учун массаж салонлари, турли хил тренажерлар, дам олиш хоналари мавжуд. Сэмбо-до ва самбо секциялари ишлаб туради.

Худди шундай комплекс Юнусобод массивида ҳам иш бошлади.

О. ЮСУПОВ.

«Агриколь» тавсия этади

⊙ НАВОИЙ кўчасидаги 30-уйда ҳинд ётоблари кўргазмаси очилди. Унда қўшни мамлакатнинг етакчи «Агриколь» ширриёти китоблари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, авторлик ҳуқуқлари Бутуниттифоқ агентлигининг Ўзбекистон бўлими ташаббуси билан Тошкентда илк бор ташкил этилган бу кўргазма икки қитъа ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ерга ташриф этувчилар ҳинд ва инглиз тилида чоп этилган ҳиндистонлик адибларнинг 200 хилдан ортиқ китоби билан танишишлари мумкин. Китоблар орасида санъатшунослар, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган оммавий қўлланмалар ҳам бор.

Р. АЛИЕВ.

«Гуллола» сафардан қайтди

⊙ ТОШКЕНТДАГИ 214 ва 277-мактаб ўқувчиларидан ташкил топган «Гуллола» дуторчи қизлар ансамбли Челябинскда ўтказилган II Бутуниттифоқ музика фестивалида иштирок этиб қайтишди. Ёш ижрочилар у ерда беш кун бўлиб, Челябинск ва Касли шаҳарларида уюштирилган концертларда қатнашдилар.

Х. БОЛТАБОЕВ.

Икки соатда тайёр бўлади

— ОЗГИНА сабр қилсангиз кўзойнак тайёр бўлади, — деди врач У. Тошмуҳамедов кекса кишининг кўзларини текшириб кўргач.

Ҳақиқатан ҳам орадан ярим соат ўтар-ўтмас буюртманн олган отахон мамнун бўлиб ташқарига йўналди...

Луначарский шоссеси яқинида очилган «Оптика» магазини харидорларга ана шундай намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда кўзойнакларнинг турли қисмлари, масалан, линзаси, тутқичлари бир зумда созлаб берилади. Техник-оптик эса ГФРнинг «Века» аппарати ёрдамида линза четларини қиртишлаб, гардишига ўрнатади.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, нафақат Тошкент шаҳри, ҳатто республикада ягона бўлган ушбу савдо шохобчаси узоғи билан 1,5—2 соатда имтиёзга эга бўлган кишиларнинг ҳожатини чиқармоқда. Энг муҳими, ташриф буюраётганлар шу ернинг ўзида медицина кўригидан ўтишади. Мабодо харидорга тегишли кўзойнак бўлмай қолса, маъмурият уч кун мобайнида таъминлашга кафолат беради.

А. ЭРГАШЕВ,
Республика «Саломатлик маркази»нинг матбуот группаси ходими.



СУРАТДА: «Оптика» магазинида. Н. Муҳаммаджонов фотоси.



11-«Висотстрой» трестининг 17-қурилиш бошқармасида Равиль Гумиров етакчилик қилаётган комплекс бригада коллективининг пешқадамлар сафида тилга олишади.

Уктам Ҳидиров мазкур коллективнинг пешқадам ишчиларидан. Жангчи-интернационалист ўз йигитлик бурчини ўтаб келгач, меҳнат фаолиятини қурилишда давом эттиришга аҳд қилди. Мусобақа пешқадамлиги ютуқларини билангина чекланмай Тошкент автомобиль йўллари институтининг II курсида таҳсил кўряпти.

СУРАТДА: У. Ҳидиров.

Т. Каримов фотоси.

ШУНДАЙ ДИЁРНИ СЕВМАСДАН БЎЛУРМИ?

Инсон тайга сўқмоқлари бўйлаб узоқ йўл босди. Арчаларнинг тарвақайлаган шохлари унинг юзларига урилар, чеккаларини тирнар, оёқлари остига кедр ғуддалари бирин-кетин тўкилар, ер тутларининг қип-қизил меваси гиламдек тўшалган эди... Унинг кўз ўнгида ажойиб манзара — ҳали одам қадами етмаган, ўрмончилар хаёлига келтирмаган, геологлар бир дам тўхтаб ўтилишини ҳам ўйламаган бокира табиат намоён бўларди. Сибирлик мусаввир Г. Шихалев ана шу манзарадан олган ажиб таассуротларини ўзининг «Совуқ тайга»да деб аталган лирик пейзажида ифодалайди. Иркутск рассомларининг Тошкент киночилар уйида очилган кўргазмасига ана шу асар ўзига хос муқаддима бўлди.

Мусаввирнинг мўйқалами ва фотокамера объектлари битмас-туганмас хазина — Сибирнинг ажойиб табиатини ва унга нисбатан одамларнинг муносабатини акс эттиради. Кўргазмага «Табиат ва инсон» деб ном берилиши ҳам бежиз эмас.

Ангарсклик Елена ва Геннадий Курловичларнинг фотоасарларида кўҳна Байкал кўли томошабин кўз олдида қандайдир ҳаяжонланган ва тўлқинланган, айни вақтда сокин ва ўйчан намоён бўлади.

— Биз Тошкентга асарларимизнинг озгина қисмини олиб келдик, — дейди Россия федерацияси рассомлар союзи Иркутск ташкилоти правлениесининг раиси, РСФСРда хизмат кўрсатган рассом А. Муравьев. — Жонажон заминга нисбатан муносабат, айниқса ёркин ифодаланган асарларни танлаб олишга ҳаракат қилдик.

(ЎзТАГ мухбири).

АҚЛ-ИДРОК, ГРАЖДАНЛИК БУРЧИГА МУРОЖААТ

ТБИЛИСИ, 13 апрель. (ТАСС мухбири). Ҳукумат уйи олдидаги майдоннинг ёмғир сувлари ювиб ўтган совуқ гранит плиталарига ҳар куни гуллар қўйилмоқда. Фожианинг алами ҳали кучли, лекин ҳозирги вақтда энг муҳими ана шу жудолик ҳис-туйғулари ақл-идрокдан устун келишига йўл қўймаслик, яшаш, меҳнат қилиш, соғлом ақл-идрокка, республиканинг, бутун мамлакатнинг тақдири учун, қайта қуриш ҳаммамизнинг олдимизга қўйган вазифаларнинг тақдири учун юксак масъулиятни ҳис этишга асосланиб, юз берган ҳодисаларни идроклаш лозимлигини ҳамма тушуниб турибди.

Эрталаб «Союзпечать» дўконлари олдида одамлар навбатда турганлиги — барча республика газеталари ўртоқ М. С. Горбачевнинг Грузия коммунистларига, барча меҳнаткашларига Мурожаатномасини эълон қилди. Димитров номли Тбилиси авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари М. Жорбенадзе Михаил Сергеевичнинг Мурожаатини қалбларга етиб борадиган, ақл-идрок, гражданлик бурчини унутмасликка даъват этадиган сўзлар деб атади.

— Биз Грузияни севамиз, унинг эртанги куни бизни ташвишга солади ва айни келажакни ўйлаб юз берган аҳволни тўла масъулият билан, жиддий баҳолаш ва оқилона хулоса чиқариб олиш керак, — деди «Грузгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими Леван Барнабишвили Мурожаатномани ўқиб чиққанидан кейин. — Бошимизга кулфат тушди, ақл-идрок билан иш тутамиз, шаҳар турмушини нормал амалий изга солиб юбориш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиламиз.

13 апрель куни Грузия Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлди, мажлисда республиканинг меҳнат коллективлари, жамоатчилиги ўртоқ М. С. Горбачевнинг Грузия коммунистларига, барча меҳнаткашларига Мурожаатномасини ғоят маъқуллаб кутиб олаётганликлари таъкидланди. Одамлар Мурожаатнома билан танишиб, эҳтиросларнинг оловини сўндириш, республика турмушини нормал изга қайтариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилиш республика ҳар бир гражданининг маънавий бурчи, деб ҳисобламоқдалар.

Ўтган кунда Тбилисидаги ва республикадаги вазият ҳақида партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Барча саноат корхоналари, коммунал хизматлар, шаҳар жамоат транспорти нормал маромда ишламоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда узилиш бўлаётгани йўқ. Комендантлик соати талабларини бузиш сони камайди. Республика шаҳарлари ва районларида вазият барқарор тусга кирмоқда.

Партия ва совет органлари раҳбарларининг, партия активлари вакилларининг меҳнат коллективлари билан учрашувлари ижобий натижалар бермоқда. Меҳнаткашлар шаҳарда тегишли тартиб ўрнатишда тобора фаол иштирок этмоқдалар, пойтахтда транспорт, саноат корхоналари, муассасалар тўхтовсиз ишлашини таъминлашга кўмаклашмоқдалар, пикетчиларга зарба бермоқдалар. Бир қанча корхоналарнинг ишчилари ишлаб чиқариш тўхтаб қолиши оқибатида юз берган камчиликларнинг ўрнини тўлдириш учун шанба куни ишга чиқиш ташаббуси билан чиқдилар.

Шу билан бир вақтда вазият ҳамон кескинлиги таъкидланди. Олий ўқув юртларида машғулотлар ҳали ҳануз тўла бошланган йўқ, мактабларда ўқув жараёни нормаллашган эмас.

Грузия Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида Э. А. Шеварднадзе билан Г. П. Разумовский ўртоқлар қатнашдилар.

Э. А. Шеварднадзе ва Г. П. Разумовский 12 апрель куни кечқурун «Грузияфильм» киностудияси коллективи ҳамда илмий зиёлилар ва норасмий бирлашмалар вакиллари билан учрашдилар. Рўй-рост, принципиал суҳбат чоғида терговни тезлаштириш ва фожиани келтириб чиқарган конкрет айбдорларнинг номини айтиш тўғрисида таклифлар киритилди, тангликни бартараф этиш, республикада вазиятни нормаллаштиришда зиёлиларнинг ролини кучайтиришга доир чоратадбирлар муҳокама қилинди, ҳозирги вақтда жамоатчиликни ҳаяжонга солаётган бир қанча турдаги масалалар тилга олинди.

Ишчи назорати

ТАҚСИМОТ ТАРОЗИСИ БУЗИЛМАСИН

Жойларда озиқ-овқат маҳсулотларининг халқ эҳтиёжига яраша тўғри ва сифатли тақсимланишини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Иттифоқимизда бўлгани каби шаҳримизнинг барча корхона, муассаса ва ўқув юртларида ишчи назорати группалари тузилиб, меҳнат коллективлари ўзларининг ишонган вакилларини мазкур группага сайлаб қўйдилар. Ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб фаолият кўрсатаётган бу ишчи группаларининг иш натижалари қандай бўляпти? Бундай группаларнинг ҳал қилувчи роли нимада? Умуман, уларнинг халқ контроли группаларидан фарқли томонлари борми?

Йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан саналган Тошкент агрегат ҳамда «Миконд» заводларида бўлиб, ишчи назорати группаларининг фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, бу соҳада амалий ишларнинг натижали бўлаётганининг гувоҳи бўлдик.

— 13 кишидан иборат назорат группасининг аъзолари С. Маъруфов, Н. Эпштейн ва А. Сисоева сингари ишчи вакилларидан тузилган,— дея изоҳлайди агрегат заводи ишчи группасининг раиси М. Р. Раҳматуллаев. — Улар 44-озиқ-овқат, 19-хўжалик моллари магазинларини, 45-сабзавот ва мева ҳамда 7-ошхона ишини доимий равишда назорат қилиб борадилар. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, ассортиментлари, жойнинг санитария-гигиена ҳолати ҳамда харидорга хизмат кўрсатиш маданияти текширилади. Текшириш жараёнида камчиликлар учраса, иложи борича ўша жойнинг ўзида чора кўрилади. Халқ контроли группаларидан фарқли томони шундаки, планлаштириб ёки бериладиган топшириқларни кутмасдан, сигнал тушиши билан ишга киришади. Мана масалан, 44-озиқ-овқат магазинига келтирилган кўк нўхот туширилиши арафасида нормадаги 250 тадан 10 қути кам чиққан. Группа текшириш жараёнида ана шу қутиларнинг яшириб қўйилганлигини аниқлади. Магазин директорига ҳайфсан берилди. Айтиш мумкинки, ишчи назорати группалари ўз вақтида тузилган. Муҳими, савдо ходимлари ўз вазифаларига нисбатан жавобгарликни янада чуқурроқ ҳис қила бошладилар.

— Сизлар назорат қилиб турган магазинлардаги озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари, сифати ва таъминоти қониқарли даражадами?

— Сифат бўйича текширишларимиз ёмон натижа бераётгани йўқ. Аммо таъминот масаласида ҳали қийинчиликлар кўп. Картошка тақчил бўлётгани сабабли айни кунларда талон системаси билан бериб бориляпти. Бу маҳсулотларни ўзимизда кўпайтириш мақсадида Ильич номли колхоз коллективи билан шартнома тузиб чиқдик. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турсалар, биз канализация, теплица ва исститш системаларини қуришда уларга ёрдам берган бўлардик.

— Ишчи назорати группаси ҳал қилиши имконига эга бўлмаган вазиятлар ҳам бўлиши мумкинми?

— Савдо тармоқларидан ташқари ошхона ва кафелар ишини ҳам назорат қилиб борамиз. Ишчиларимиздан ошхонамизда тайёрланаётган овқатларнинг сифатсизлиги туфайли шикоятлар кўп тушади. Бориб текширишларимиз ҳеч қандай натижа бермаяпти. Негаки, ошхонамиз 3-категорияли бўлгани учун С. Раҳимов район ошхоналар трести маҳсулот миқдорини ҳам шунга қараб белгилайди. Агар заводимиз ошхонаси 2-категорияга ўтиб, сифатли маҳсулотлар билан таъминланса, унда овқатларнинг нархи 60 тийиндан 1 сўмгача ошиши мумкин экан. Ишчиларнинг сифатсиз овқатдан шикояти қачон ниҳоя топади, билмадим-ку, лекин бир ҳисобдан қиймати ҳам аҳамиятли...

Марат Раҳматуллаевич айтиб ўтган, аросатда қолиб келаётган бу муаммони мазкур район ошхоналар трести атрофлича кўриб чиқиб, ҳал қилиш вақти келди.

«Миконд» заводининг ишчи назорати группаси рўйхатида айнан ишчи вакилларининг сони ниҳоятда камлиги ажаблантирди. Қизиқ, ишчи назорати бўлса-ю, асосий қисмини инженер-техник ходимлар ташкил қилса.

— Бунинг сабаби бор, албатта, — дейди завод ишчи назорати группасининг аъзоси Ҳасан Маъруфхўжаев. — Маълумки, текшириш жараёнида кўпинча ҳисоб-китоб ҳужжатларини кўздан кечиришга тўғри келади. Ҳеч қайси бир ишчи ҳисобчи, иқтисодчи даражасида бу ишни эплаштириши қийин. Ҳозирги кунда корхонамизнинг ишчи назорати группаси қошида тузилган иккита комиссия иш олиб боряпти. Уларнинг биттаси С. Раҳимов район ошхоналар трестини назорат қилса, иккинчиси район озиқ-овқат савдосининг яхшиланиши учун жавоб беради. Жумладан, 9-саноат моллари, 49/1-озиқ-овқат ва 10-сабзавот-мевалар магазинлари ҳар доим назоратимизда. Ўтган ойда заводимиз учун белгиланган 14 тонна ўрнига 13 тонна гўшт олдик. С. Раҳимов район озиқ-овқат савдоси бўлими текшириб кўрилганда, ишчилар учун ажратилган ана шу гўштнинг 1000 килограмми «йўқ» қилиб юборилгани маълум бўлди. Энди келгуси ойда эса 15 тонна гўшт олишимиз керак. Шунда ҳам ҳар бир ишчимизга икки килограмм атрофида тўғри келади.

Ҳа, афсуски, ана шу 1 тонна гўштни «йўқ» қилган кишиларга нисбатан қандай чора кўрилди, деган савол туғилади. Ҳ. Маъруфхўжаевнинг айтишича, бундай ҳолларда актлар кўпинча район ишчи назорати группасига топширилар экан.

— Актларни ўз вақтида кўриб чиқиш билан чекланиб қолмай, тегишли идораларга, суд-прокуратура органларига юборамиз ва натижаларини ҳам кузатиб борамиз, — дейди бу ҳақда С. Раҳимов район ишчи назорати группасининг раиси А. Шарифбоева. — Харидорлар магазинларда кўпинча энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари етишмай турганлигидан ҳаққоний ғазабланишади. Озиқ-овқат таъминотидаги объектив қийинчиликлар кўпинча савдодаги нопок ходимларнинг жўрттага вужудга келтираётган тақчиллик сабабли чуқурлашмоқда. Харидоргир бўлган ва аҳолига сотиш учун мўлжалланган маҳсулотлар—қанд, шакар ва гуруч баъзан ҳатто пештахтага ҳам қўйилмай, «орқа эшикдан» пуллаб юборилмоқда. Фондга ажратилган гўшт харидорларни четлаб, кабобчи кооператорлар қўлига ўтмоқда ва улар буни айни шу харидорларнинг ўзларига оширилган нархда сотишмоқда. Гап бирон-бир маҳсулотнинг етишмаслигида эмас, балки бу маҳсулотларнинг савдосини тўғри ташкил эта билишликда, харидорларга нисбатан лоқайдликдан, сусткашликдан ҳамда бир қанча масъулиятли ходимлар мавжуд ресурсларни реализация қила билмаслигидан иборат фактлардадир.

Группа ташкил топган кундан бошлабоқ назоратидаги барча нуқталарни текшириб турибди. Жумладан, 4-шаҳар касалхонасининг ишчи назорати группаси 1-босмахонага қарашли ошхонанинг иши ниҳоятда ёмонлигини аниқлади. Текширувдан сўнг, ошхона беркитилиши лозим, деб топилди. Ошхона капитал ремонтдан чиқарилди, овқатлар сифати яхшиланди, хўллас меҳнаткашлар талаби қондирилди. Бундай текширишларни яна мактаблар ошхоналарида ҳам бошлаб юбордик. Шаҳримиздаги 159, 219-ўрта мактабларнинг ошхоналарида бўлар эканмиз, ошпаз ва қандолатчиларнинг қўпол хатоларга йўл қўяётганликларининг гувоҳи бўлдик. Масалан, менюда кўрсатилган овқатлар ўрнига бошқасининг тайёрланиши, унинг устига масаллиқларни белгиланганидан жуда кам миқдорда солинишини кузатдик. Ҳатто болалар суюб тановул қиладиган қандолат маҳсулотларининг оғирлиги тортиб кўрилганда, нормадаги ҳисобга тўғри келмаслиги маълум бўлди. Мазкур мактабларнинг ошхона раҳбарларига нисбатан чоралар ўз вақтида кўрилди. Шунингдек, Студентлар шаҳарчасидаги ошхоналар аҳволи ишчи назорати группасининг текширувидан сўнг ўз натижасини кўрсатди. Ишимизда айниқса агрегат заводи, 4-шаҳар касалхонаси ва 159-ўрта мактабларнинг ишчи назорати группалари фаоллик қилмоқдалар. Шу билан бирга ўз ишларида қайта қуришга эриша олмаётган, вазифаларига совуққонлик билан қараётган ишчи назорати группаларининг борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Маданият иншоотлари ремонт-қурилиш бошқармаси, Тошкент Давлат медицина институти II-клиникаси ва бир қатор қурилиш участкалари шулар жумласидандир. Тўғри, улар группа аъзоларининг номлари ёзилган рўйхатни келтириб беришган. Аммо ўзларига биркитилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар фаолиятини қандай назорат қилаётганидан бехабармиз.

—Адашхон Шарифбоевна, сизнингча жойларда ишчи назорати группаларининг активлигини янада ошириш учун қандай тадбирлар белгиламоқ зарур?

— Маълумки, ҳар бир тармоқнинг ўзини юқори органлари назорат қилиб туради. Ана шу юқори органлар ўзларига қарашли бу тармоқлар ишчи назорати группаларидаги фаолият билан ҳам қизиқиб борсалар, ҳеч ботини тинглаб турсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди. Унда ана шу тармоқдаги ишда силжиш бўларди, ҳам ишчилар манфаат кўрарди.

Ф. ҲУСАНОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Мунозара учун мавзу

МУАЛЛИМ МАВҚЕИ

МУАЛЛИМ ҳақида гап кетса, мен доммо Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг «Мактаб аҳли тўғрисида» деб аталмиш фаслини ёдимга оламан. Устод Навоий шундай деб ёзадилар: «Лекин инсоф билан айтганда, ҳар қандай ярамас одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади. Мактабдор домла эса, бир йўла болага илм-адаб ўргатади. Бунга нима етсин! Лекин шунинси ҳам борки, болалар орасида фаҳми, идроки озлари бўлади. Муаллим шу кабн ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди. Бинобарин, шогирд шайх ул-ислом ва қозилик даражасига кўтарилганда ҳам устозн ундан розн бўлса, тангри ҳам розн бўлади.

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила».

Муаллимлик — қийин, оғир, шарафли касб. Фараз қилайлик, сиз синф раҳбарисиз ва ҳафтасига 20 соат дарсингиз бор. Уйда дарсга тайёрланасиз, план ёзасиз, конспект тузасиз. Дафтар текширасиз, ўқувчиларингизнинг кундалик дафтарларини ўрганасиз. Дарсга келмаган ёки ёмон ўзлаштирувчи болаларингизнинг уйига бир неча мартадан қатнайсиз, «интизоми оғир» ўқувчиларингиз ҳақида ички ишлар бўлими тегишли ходими билан суҳбатлашасиз. Баъзи ота-оналар Сизни тўғри тушунишади, баъзилари эса... ҳақорат, дўқ-пўписа ҳам қилишади. Синф раҳбарисиз... Дарсдан сўнг синфингизни тозалатасиз, мактаб ҳовлисида ўзингизга тегишли майдончани супурасиз, сув сепасиз, ўша ернинг ободонлиги Сизнинг зиммангизда. Синфингиз ойна пардаларини уйингизга олиб келиб ювасиз (ёки ювдирасиз) дазмоллаб яна жойига осиб қўясиз... Синфингизни ремонт қиласиз, мактаб Сизга бир грамм бўёқ, бир тийин пул бермайди. Ота-оналардан бир тангаданми, бир сўмданми пул йиғасиз. Жуда бўлмаса, ўз ёнингиздан ремонт қилдирасиз... Ўқувчиларингизга мактаб кутубхонасидан дарсликлар олиб тарқатасиз, йил охирида яна кутубхонага топширасиз — қоида шу. Ота-оналар мажлисларини ўтказиб турасиз... Бола-да, биров уришади, биров йиқилади, биров кийимини лой қилади... Ота-оналар арзи дод қилиб, Сизга келади, уларни эшитасиз, юпатасиз, йўл-йўриқ кўрсатасиз... Яна минг бир хил ишлари бор синф раҳбарларининг... Мана шу хизматингиз учун сизга 30 сўм тўлашади. Истаган муаллим билан (айниқса, 5—9 синф муаллимлари билан) гаплашинг: «30 сўмидан воз кечдим, синф раҳбарлигини олсин!» — дейди... Педагогик советда директор ёки бошқа раҳбар ўртоқнинг «Ҳа, 30 сўмни бекорга оляпсизми?» дегани юрак бағрингизни ўртаб юборади... Аммо, кимдир синфга раҳбарлик қилиши керак. Тарбиявий соатлар ўтказиши, болаларни музей, кино, театрга, экскурсияларга олиб бориши лозим... ва яна қойил қилиб дарс ҳам беришн керак!

Турғунлик йилларн мактабда ҳам ўз асоратларини қолдирди... Натижада, муаллимнинг, ўқувчининг умумий савияси сезиларли даражада пасайди. Мактабдан кимлар етишиб чиқаяпти? Билимли гражданинми? Ёки «бир амаллаб кунимизни ўтказармиз» қабилида фикрловчиларми? Ёки «муаллим айтди — қўйди-да, китоб бошқа, ҳаёт бошқа. Сен кимсан-у, кабобпаз ким? Ўғилчангга уч ғилдиракли велосипед олиб беролмайсан-у, мағрурлигинг оламни бузади...» дегувчиларми?

Нималарга боғлиқ бу саволларнинг жавоби?

Доҳий В. И. Ленинга мурожаат қилайлик. У 1909 йил 30 августда ёзган «Капридаги мактаб ўқувчиларига» мақоласида шундай дейди: «Ҳар қандай мактабда ҳам энг муҳими, лекцияларнинг ғоявий-сиёсий йўналишидир. Бу йўналишни нима белгилайди! Бутунлай ва фақат лекторлар составн белгилайди... Ҳар қандай «контрол», ҳар қандай «раҳбарлик», ҳар қандай «программалар», «уставлар» ва ҳоказолар, буларнинг ҳаммаси — лекторлар составн олдида қуруқ гапдир».

Демак, масала равшан. Ҳамма гап — мактабларнинг педагогик коллективлари, уларнинг билими, зиёлилиги, гражданлик позицияси, дунёқарашида экан. Хўш, биз муаллимга нималар бердик? Келажагимизни ишониб топширдик унга! Маош тайинладик. Талабни эса жуда катта қўяяпмиз. Бизнинг муаллимга муносабатимиз қандай бўлиши керак аслида?

Бу саволга ҳам жавобни доҳий В. И. Ленин берган. «Халқ ўқитувчиси бизда шундай бир юксак даражага кўтарилмоғи лозимки, у буржуа жамиятида ҳеч қачон бундай юксак даражага кўтарилмаган, кўтарилмаяпти ва кўтарилиши ҳам мумкин эмас. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз ўқитувчини маънавий жиҳатдан юксалтириш борасида ҳам, унн ҳақиқий юксак унвонга лойиқ бўлишга ҳар тарафлама тайёрлаш борасида ҳам, муҳимн, муҳимн ва энг муҳимн — унинг моддий аҳволини яхшилаш борасида ҳам мунтазам оғишмай, зўр бериб иш олиб бориш йўли билан юқорида айтилган ҳолга эришмоғимиз лозим».

Мана энди қўлимизни кўксимизга қўйиб холисонилло айтайлик: «Биз ўқитувчини маънавий жиҳатдан юксалтириш борасида мунтазам иш олиб бордикми?». Аслида биз уни дарсликка боғлаб қўйдик. Унга синфдан ташқари ишлар учун, факультатив учун турли-туман илмий-методик адабиёт зарур. Ўқувчилар учун ҳам ана шундай илмий-оммабоп рисолалар даркор.

Муаллимлар учун ҳар бир фандан дарслик, қўшимча адабиёт, техник воситалар, турли кўргазмали қуроллар комплекти бўлиши лозим. Фараз қилайлик, Сиз математика муаллимисиз. Хўш, математика кабинетингизда нималар бўлиши керагу, нималар бор?

Ҳар бир синф учун дарсликдан ташқари, шу синфга мос қўшимча адабиётлар, ўқувчи ва ўқитувчи учун илмий-методик китобчалар, диафильмлар, дидактик материаллар бўлмоғи шарт. Ана шундай комплектлар 5—10 синфлар учун алоҳида бўлиб, математика кабинетингизнинг тайин жойида бўлиши керак. Бошқа фанлардан ҳам ана шундай комплектлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Лекин бундай комплектлар республикамизнинг аксарият кўпгина мактабида йўқ.

Буларни яратишни, керакли миқдорда чоп этишни, тегишли корхоналарга буюртма беришни Халқ таълими министрлиги ташкил қилиши керак, албатта. Яна бир маънавий озуқа — параллел дарсликлардир. Рус тилидаги мавжуд дарсликларни мойирона таржима қилиш билан бирга, ўз муаллифларимиздан ҳам оригинал дарсликлар яратишни талаб қилиш вақти етди! Ўқитувчининг зиёлилиги, маърифатчи эканлиги ҳам ана шу «маънавий жиҳатдан юксалтириш»га боғлиқ. У ўз устида ишлаши, фақатгина ўз фанини билибгина қолмай, илғор методикадан, дунё воқеаларидан хабардор бўлиб туриши лозим. Бинобарин, яна гап адабиёт — муаллим учун махсус адабиётга, унинг савиясини такомиллаштирадиган, уни ўстирадиган махсус адабиётга бориб тақалади. Бундай адабиёт эса ўзбек тилида умуман йўқ! Халқ таълими министрлиги ўқув қўлланмаларини планлаштирганда ана шуларга жиддий эътибор бериши лозим кўринади.

Муаллим тўлиқ равишда ўз муаллимлик қобилиятларини намоён этиши, берилиб сидқидилдан, «юракдан чиқариб» ишлаши учун маънавий озуқадан бошқа яна бир муҳим омил бор. Доҳийнинг кўрсатишича, муаллимнинг «Моддий аҳволини яхшилаш борасида ҳам мунтазам, оғишмай, зўр бериб иш олиб бориш» лозим. Хўш, бу борадаги ишлар қандай?

Муаллимларга квартира бериш масаласи қандай ҳал қилинмоқда? Болалари боғчага бориши? Дарс ўтиш жараёнида гўё, қандай муаммолари билан иш бир чеккаси банд эмасми? Ойлик шифер олишга, қишлоққа кўчиб лашга, мол-ҳоли бўлса пичан, лан таъминлашга, касал бўлиб санаторий, оддийгина касалхонага ётқизишга РайОНО ёки райсовет роия комитети ёрдам берадими? Бир вақтлар Тошкентда «Ишчи дам олиш уйи бор эди. Шу ҳам борми? Мактабга келиб, садда ўртоқлар «Ҳорманг, ишлар Бизга нима хизматлар борлиги ҳеч?!

Ахир доҳий кўрсатмаси бўйича шундай дейишга чорлайдиган муаллим уйидан, рўзғоридан тинчиган бўлсагина у мактабда «ишлайди» олиб» ишлайди...

Маориф системасида ишчи мактаб муаллими ишлайди. Шулардан қанчаси ёзда дам олиш уйларида, наторийларда бўлади? Муаллимнинг дам олиши, саломатлиги кимлар, қандай шуғулланади? Муаллимни доҳиймиз айтган «юксак унвонга лойиқ бўлиш» тарафлама тайёрлаш» ниқоти дий иш... Вақти келса биз ўқитиграммада кўзда тутилган ақлий калькуляторларни топиб бериш... Дарвоқе, дарсликларимиз сусида.

Кейинги йилларда мактабларга «Оилавий ҳаёт этикаси» логияси» предмети киритилди. предмет бўйича муаллимлар деган китобдан фойдаланишади. Аммо, оилавий ҳаёт этикаси хологияси масаласида ҳар бир нинг ўзига хослиги бор. Ишлар давомида шаклланган ўзига лар, анъаналари бор. Т. М. Абдуванинг «Оила» китоби шу ўзбек хонадони, оиласи ҳақсига мос тушмайди. Бу китобжима қилиш билан бирга, шароитга мос кўлланма ҳам лозим эди. Ҳамон бундай дарак йўқ.

Ўқитувчининг обрўси унинг қўлида», унинг чуқур билимлилигида, илғор методикада, фидойилигида, болажонлигида, лаларга қалб қўрини, меҳрибонликда... Тўғри, буларнинг ҳаммаси тўғри! Яна бир қанча балогапларни қалаштириб ташлаш осон, бу иш қўлимиздан келади. Бироқ, муаллим ҳақиқий обрўсини бўлиши учун биз ҳали жуда ишлар қилишимиз керак-ку! Билим тарбияси ва ҳаёт тарбиясининг узвий давоми бўлган иш ва сўз бирлиги амалга оширилган мактаб ислоҳоти иши — ишни бўлсагина муаллим ўз ишкам, барқарор обрўсини топади. Ҳаммамиз камтарин, камсуллик, эътиборга ташна оддийгина МУАЛЛИМдан умрбод қарздорлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак!

М. МИРЗАЛАҲМЕДОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, физика-математика фанлари кандидати.



Баҳор шодликлари. Т. Каримов фотоси.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Учрашув рамзи

ССҒР ва АҚШ давлат байроқлари рангига бўялган андозаси чиройли уй — Совет ва Америка биродарлашган шаҳарларининг май ойида Тошкентда бўладиган биринчи учрашувининг расмий эмблемаси ана шундай тасвирланган. Бутуниттифоқ конкурсига келган 400 дан ортиқ асарни муҳокама қилган обрўли жюри шундай қарорга келди. Конкурсни чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Совет жамиятлари союзининг совет ва чет эл шаҳарлари билан алоқалар уюшмаси эълон қилган эди. Конкурсда киевлик архитектор И. Доценко ғолиб деб топилди. У мукофот тариқасида Америка Қўшма Штатларига сафар қилади. Ленинграддаги «Знак» дизайн группасига яқдиллик билан иккинчи ўрин берилди. Эскиз муаллифлари бўлажак учрашувнинг фахрий меҳмонлар сифатида қатнашадилар.

Ижодий мусобақада қатнашиш учун тимизадаги 38 та школ ўқувчилари, дизайнерлар, архитекторлари қатнашдилар. Конкурс шартлари жуда оддий эди: эмблема дўстлик, биродарлиши, икки мамлакат халқларининг дўстлик алоқаларини ифодаси керак эди. Конкурс натижаларини ривожини акс эттириши лозим эди.

— Конкурс қатнашчилари юксак профессионал маҳоратга эга эканликларини намоён этишди,— дейди конкурс аъзоси, СССР дизайнерлар иттифоқи ижодий комиссиясининг ўринбосари Ю. Борисов, ЎзТАГ мухбирига. — Учрашув меъзбонлари — Тошкент ўқувчилари бир қанча ажойиб ечимлар тақдим этишди. Биз уларнинг ишларини қайд этиш қувончини

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ОДАТЛАР



Спортчиларнинг мана шундай баҳайбат оёқ кийими яқинда Швейцариянинг Шатэ д Окс курорти осмонида пайдо бўлди. Уни маҳаллий «Энтоникс» пойафзал фабрикаси ҳаво шари шаклида тайёрлаган. Фирма хўжайинларининг фикрига қараганда, бундай ғаройиб томоша дам олувчиларда катта таассурот қолдириши, улар дарҳол «Энтоникс» маркали пойафзалларни харид қилишга отланишлари, ҳеч бўлмаганда уйларига қайтганларидан сўнг шу хилдаги ботинкаларни сотиб олишлари лозим. Кейстон — ТАСС фотоси.

Япон оиласи: анъаналар ва ўзгаришлар

Маълумки, «уйим менинг — қалъам менинг» иборасининг японларга ҳеч қандай алоқаси йўқ: мазкур иборанинг муаллифи туманли Албионда яшаган. Аммо японлар ҳам, инглизлар ҳам оролларда яшашади. Шу сабабли, оила ва рўзғорга муносабатда улар ўртасида кўпгина ўхшашликлар бор. Ўз қадрини билган ҳар бир япониялик қирқ ёшга келиб, кичик бўлса ҳам шахсий уйи бўлишига интилади. Ҳар бир япон эркак ва аёли оила муаммосини инсон ҳаётининг энг муҳим соҳалари рўйхатида биринчи ўринга қўяди. Ҳар йили турли даражаларда ўтказиладиган жамоат фикрини билиш натижаларига асосланиб фикр юритадиган бўлсак, ҳар бир япониялик учун унинг уйи ва оиласи — қайноқ, тасодифларга бой ҳаёт океанида ором бағишлашн лозим бўлган ўзига хос қалъадир.

Айни пайтда ана шу уйнинг ичида кўз ўнгимизда муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Уларнинг айримлари, «Асахи» газетаси ўтказган навбатдаги жамоат фикрини билиш савол-жавоби маълумотларининг гувоҳлик беришига қараганда, оилавий бошпана мустаҳкамлигини қўпораман, деб хавф солиб турибди. Бу сафар тадқиқотлар объекти сифатида «оиладаги тинчлик ва тотувлик», оталар ва фарзандлар ўртасидаги, эр-хотин ўртасидаги муносабат муаммолари танланган эди.

Япон оиласидаги «тинчлик ва тотувлик» анъана бўйича ҳамма дастурхон атрофида йиғилиб, соатлаб хотиржам суҳбат уюштириладиган оқшомлар билан мустаҳкамланиб келинарди. Маълум бўлишига қараганда, бугунги кунларда японларнинг ярмидан ками ана шу анъанага риоя қилар экан холос. Мамлакат бўйича — ҳар беш оилада, йирик шаҳарларни ,шу жумладан Токионн олганда — ҳар уч оилада шундай учрашувлар ҳафтада бир-икки марта бўлиб турар экан. Оилавий йиғинлар амалдорлар ва хизматчилар хонадонларида камдан кам бўлиб туради: ишдан ташқари вақтларда ишлаш, «уйга топшириқ бериш» тажрибаси кенг ёйилганлиги оқибатида уларнинг иш вақти аслини олганда чекланмаган эди, улар ўз вазифаларининг бир қисмини уйга қайтганларидан сўнг бажаришарди. Бунинг устига шу йилнинг февраль ойига қадар Японияда японларнинг давлат ва муниципал хизматчилари, банк, суғурта компаниялари ва бошқа муассасаларнинг ходимлари ҳафтада бир кунгина дам олишарди. Мазкур тоифадаги хизматчилар учун ҳамма ерда икки дам олиш кунини жорий этиш ҳақидаги қонуннинг яқинда қабул қилингани ана шунга барҳам берди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган савол-жавоблар эса уларнинг оилаларида болалар оталари билан кам мулоқотда бўлишини кўрсатди. Мамлакатнинг узоқ вақтдан бери жадал суръатлар билан иқтисодий ривожланиши натижасида улар иш билан банд бўлиб, фарзандларининг вояга етиб қолганлигини ҳатто сезмай қолишган.

Шу нарса маълум бўлдики, оила ўчоғи, кечки «тинчлик ва тотувлик» анъанасини бугунги кунда Японияда асосан деҳқонлар ва балиқчилар оилалари давом эттириб келяпти. Кам сонли майда савдогарлар ва сармоячилар ҳам шулар жумласидандир. Сабаби, уларнинг дўконлари ёки «иш жойлари» ўз уйларида жойлашган ёки арзимаган тўсиқ билан ажратилган.

Оила аъзоларининг жамулжам бўлиб ўтказиладиган вақти қисқариб бораётганига биргина иш билан банд эканлик сабаб эмас. Ҳозирги замон ёшларининг муносабати ҳам ана шу анъаналарни қўпораётган муҳим сабабларидан биридир. Савол-жавоб натижаларига қараганда ёшларга айниқса «оила даврасидаги суҳбатлар», катталарнинг «ҳамдардлиги», «барча аъзоларга дам бериш имконияти»нинг камлиги етишмаяпти. Шу билан бир қаторда жавоб берган ёш япон йигит-қизларнинг атиги 5 процентн ота-оналарининг «обрўйинга» эҳтиёж сезади. Қолганлари эса ота-оналарга «катталар» каби анъанавий муносабатлардан тўла воз кечиб, уларнинг яқин дўст — ўртоқ бўлишини маъқул кўради.

Ўзга ёшдаги группалар ўртасида эса эътирозларни ёшлар «тарбияси ва интизоми»даги камчиликлар келтириб чиқарган.

Социологик тадқиқотларнинг натижалари айни вақтда болаларгина эмас, ота-оналар ҳам анъанавий оилавий оқшомларга эҳтиёж сезаётганини кўрсатади. Сўнгги йилларда японлар ҳақиқатдан ҳам қариндош-уруғчилик алоқаларини имкони борича қисқартирдилар, «қалбдан-қалбга» алоқада бўлиш қобилиятларини йўқотиб бормоқдалар. Шу муносабат билан бу ерда: биз ҳаддан ташқари интернационаллашиб кетдик, бир-биримизни тушунмай, бошқаларни яхшироқ тушунадиган бўлиб қолдик, деб ҳазиллашишади.

Ёши 50 дан ошган қариялар, шунингдек саволга тутилган аёлларнинг аксарияти биринчи навбатда «ҳамдардлик»ка муҳтож бўлиб чиқди. Буни қарангки, ёши 20 дан ошган, аксарияти оила қуришга улгурган ёшлар биринчи навбатда «уйда аъзоларига дам бериш» эҳтиёжини ҳис этмоқда. 35—45 ёшдагилар эса аксинча оилада «интизом»ни йўлга қўйишга ҳаракат қиладилар. Болаларни тарбиялаш ва уларнинг бўлишини таъминлаш шу ёш тоифасидагиларнинг асосий ғам-ташвишини далайди. Ёшлар эса «вазн»да бўлганликлари бундай эҳтиёжни ҳис этмасин, ҳонадонларини ҳис қилдилар.

«Эркинлик» кимларга роқ етишмаяпти? Ҳамон миқёсидаги «эркинлик» японн аёллари кураш боришяпти. Уларни кўра бир-биридан фарлувчи икки группага тақсима бўлади: 20 ёшга тўлмасидагилар уйдан бош чиқиб кетиш эркинлиги курашадилар, 30—35 ошганлари эса уй юмушдан озод бўлиш учун дилар. Саволга тутилган ларнинг 52 фоизи уй ишларини тугатиб, фарзанни жой-жойларига кўйидан сўнг ишлашни кўради. Япон аёлларатигн 17 фоизи меҳнат имкониятн учун тинчликдан воз кечишга ёр. Ушбу рақамлар ҳам жамиятида рўй жиддий ўзгаришлардан лат беради.

Шундай қилиб, воб натижалари япон рининг муаммоларини эттирса, ўз навбатида ҳозирги замон япон тининг муаммоларини эттиради.

Владислав ДУНАЕВ,
АПН махсус мухбири.
Токио

ШАНБА ОҚШОМИДА

Суратларда Сибирь тарихи



Сибирни бўйсундирган афсонавий қаҳрамон Ермакнинг портрети собитқадам, мард жангчи ва жасур қўмондон сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Унинг мардона нигоҳи, ёркин қиёфаси тамошабинлар диққатини ўзига тортади. Иркутск область санъат музейи мажмуаларидан олинган XVIII аср — XX аср бошларида рус портрети» кўргазмаси экспонатларидан бири бўлган бу асар номаълум рассомнинг мўйқаламидир. Республикамизда Иркутск области ва мансубдир. Республиканияти кунлари доирасида Ўзбекистон давлат санъат музейида ана шу кўргазма очилди.

Ўттизта асарни бирлаштирган экспозицияга портретлар (рус портрет тасвирий санъатининг жанрларидан бири) кирган. Уларда рус иконавислик анъаналари зодагонларнинг энг ҳўна ранг-тасвир санъати билан уйғунлашиб кетган. Бундан икки ярим аср муқаддам чизилган ва муаллифлари ҳалигача номаълум бўлган «Подшо Иван Алексеевич портрети» ва Суздаль митрополити Иларион портрети»да Россия арбобларининг образлари тасвирланган. В. Боровиковский қаламига мансуб, деб ҳисобланаётган икки асар — «Граф Д. А. Толстой портрети» ва «Қизил либосли чол портрети» ранг тасвир сентиментализми услубида яратилган бўлиб, томошабинларнинг диққатини ўзига тортмоқда.

Иркутскликларнинг кўп авлодлари ўзида рус сайёҳлари ва кашшофларининг битмас-туганмас руҳини сақлаб келди. А. Корзухин мўйқалами билан чизилган расмда сибирлик савдогар ва олтин конларининг эгаси А. М. Сибиряков иродали, фаол ва кучли шахс сифатида гавдаланади. «Ҳаммага фойдали бўлган кўп ишлари билан машҳур» бу киши ўлка тарихида сезиларли из қолдирган. А. Сибиряков Сибирь ва шимолий муз океани экспедицияларини пул билан таъминлаган ва уларда шахсан иштирок этган, ўзининг бойлигини рус географияси жамияти фондига ҳамда Томск университетига асос солишга садақа қилган. Унинг совғаси П. Антокольскийнинг машҳур Иван Грозний скульптура портрети ва И. Айвазовский асарлари эса ҳозир Иркутск музейи мажмуалари қаторидан ўрин олган.

Иркутск область бадиий музейи шаҳар бошлиғи В. Сукачевнинг картиналар галереяси билан бошланиб, унга 1870 йилда асос солинган эди. Ҳозир бу музей, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги санъат асарлари жуда кўп тўпланган даргоҳ ҳисобланади. Унинг мажмуаларида рус, Ғарбий Европа, шарқ санъати, ҳозирги замон Сибирь рассомларининг асарларидан ташкил топган 14 мингтадан кўпроқ экспонат бор. Музей фондларида рус иконаларининг жуда бой мажмуаси тўпланган. Улар орасида XVI аср Ярослав мактабида ишланган икона — «Қўл билан тиклаб бўлмас спос» иконаси алоҳида ўрин эгаллайди. Иркутскликлар ўз шаҳарларига пойдевор қўйилиши тарихини ана шу асар билан алоқадор ҳисоблайдилар. Ермакнинг сафдоши казак Галкин бошчилигидаги рус сайёҳлари Байкал соҳилларини забт этиш учун худди ана шу икона билан борган эдилар.

— Совет даврида музейимиз фонди давлат рус музейи ва Третьяков галереяси коллекциялари билан бойиди, шунингдек, мамлакат коллекционерлари тўплаган шахсий асарлар ҳисобига ҳам тўлдирилди, — деди ЎзТАГ мухбирига кўргазма очилишида сўзга чиққан Иркутск музейининг директори Е. Зубрий. — Экспонатларимиз мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида ва чет элларда намойиш қилинган. Рус рассомлари асарларининг мажмуаси ўтган йилнинг кузида Польшада кўрсатилди. Яқин вақт ичида замонавий Сибирь мусаввирларининг асарлари ва Сибирь халқлари манзарали-амалий санъати буюмлари Австралияга юборилади. Иркутск области билан Ўзбекистон музейлари ўртасида кўргазмалар алмашиш доимий тусда бўлади, Ватан ва жаҳон маданияти ҳақидаги билимларимизни бойитади, деб умид қиламиз.

⊙ СУРАТДА: кўргазма залида.

Т. Каримов фотоси.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Айнийни эслаб

Тожик ва ўзбек халқларининг ардоқли адиби Садриддин Айний ҳақида ҳикоятлар тилдан-тилга кўчиб юради. 1968 йилнинг баҳорида Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати кунлари ўтказилди. Ушанда Мирзо Турсунзода биз, айнийшунос олимлардан Айний ҳақида, хоҳ ижобий ва хоҳ салбий бўлсин, халқ томонидан тўқилган барча ривоятларни ёзиб боришимизни илтимос қилдилар. У киши: «Халқ орасидаги афсона ва ривоятлар фақат машҳур шахслар ҳақида тўқилади», деган эдилар...

Мардикор

Айний Бухородаги Бадалбек мадрасасидаги таҳсил йиллари, аниқроғи, 1895 йилнинг ёз пайтида оч-ночор ҳаёт кечиради. Буни Айнийнинг ўзи «Қисқача таржимаи ҳолим» китобида шундай ёзади:

«Бир куни батамом оч қолдим. Иккинчи куни муллаваччалик салламни ташлаб, мардикорлик қилиш учун бозорга ёлловчиларни кутиб ўтирган мардикорлар қаторига бориб ўтирдим. Ёлловчилар келиб баъзи мардикорларни баҳолашиб олиб кетарди, менга эса ҳеч ким мурожаат қилмасди»...

Шундан сўнг у Бадалбек мадрасасидаги таниши билан учрашиб қолади. Бозорга мардикор ёллаш учун келган Маҳдуми Ҳазораги Айнийга:

— Ҳа, дўстим, сен ҳам мардикор ёллашга келдингми? Ундай десам, сенда мардикор ишлатадиган ҳовли-жой йўқ, қашшоқ муллаваччасанку! — дейди.

Садриддин Айний:

— Тўғри айтасан, мадрасанинг қашшоқ талабасиман, ҳовли-жойим ҳам йўқ, шунинг учун ҳам кўриб турганингдек мардикор бозорига чиқдим, — дейди. Шунда Маҳдуми Ҳазораги кулиб:

— Ҳазиллигни қўй, муллаваччанинг бозорда мардикорликка ёлланиши уят-ку! — дейди.

Айний:

— Муллавачча очидан ўлса, тиланчилик қилса бу — уятдан ҳам ёмон-ку! Ғиғирлик, хиёнат — уят, лекин меҳнатнинг уяти бўлмайди, дўстим, — дейди унга. Шундай қилиб Маҳдуми Ҳазораги уч кишига Айнийни ҳам қўшиб мардикорликка ёллайди.

Айнийнинг саводхонлигини билган Маҳдуми Ҳазораги:

— Сен лой иши ўрнига мана бу дафтардаги қарз олган кишиларнинг исм-шарифи ва улар олган қарз пулларининг устамасини чиқариб бер, — деб қалин эски дафтарни Садриддинга беради.

Айний хўжайиндан турли йилларда қарз кўтарган одамлар рўйхатини тузиб, вақт ўтган сайин туғилган қарз устамасини аниқ чиқариб берди. Маҳдуми Ҳазорагининг отаси унинг бу ишидан жуда хурсанд бўлди. Чунки у жуда чалкаш ва хира ёзилган дафтардаги қарздорлардан ўз қарзини ундира олмай юрган эди. Ушанда Айний рўйхатдаги кишиларнинг аниқ исм-шарифлари ва уларнинг қарзларини аниқлаб, хўжайинга бир неча минг сўмлик пулини ҳисоблаб берди. Хўжайиннинг уйида уч кун мардикорлик қилиб, эвазига Айний ундан шоир Ҳофиз Шерозийнинг девонини олди.

Саҳийлик

Айний 1951 йилда Тожикистон ССР Фанлар академиясига биринчи президент этиб сайланади. Маълум вақт ўтгач, у бетоб бўлиб қолиб, ҳадеганда Душанбега боравермайди. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, академия ходимлари унинг ойлик маошини (юз минг атрофида) қопга солиб, Самарқандга олиб келишади. Меҳмонлар Айнийнинг ҳолаҳволини сўраб бўлгач, унинг олдига ҳалиги қопни қўядилар. Ушанда Айний қопнинг ичидаги ҳаммаси пуллигига ишонч ҳосил қилгач, маошини олмай, ходимларга тўшаги остидан бир адрес чиқариб беради. Шу адрес бўйича борган ҳалиги кишилар ёзувчи билан бирга бир пайтлар Бухоро мадрасасида ўқиган дўсти Олимхон исмли фаррошни олиб келадилар. Айний қадрдон дўсти билан ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач, қопдаги пулни кўрсатиб:

— Олимхон, эсингдами, иккимиз бир бурда қотган нон учун Бухоро бозорига мардикорликка чиққан эдик. Мана, энди ўша қийинчиликлар афсонага ўхшаб ортда қолди. Бу ўртоқлар менинг 3—4 ойлик президентлик маошимни олиб келишибди. Сен шу пулдан ўзингга кераклигича ол, сўнг қолгани менга, — дебди.

Аввалига бунга рози бўлмаган Олимхон дўстининг қистовидан сўнг қопдаги пулдан икки-уч ўрамини олибди. Айний маошидан олинган 10—15 минг сўмга Олимхон ўша пайтда чала иморатини битириб олган экан.

Ўринли танбеҳ

— Бу воқеа 1933 йилнинг бошида Самарқандда содир бўлганди, — деб ҳикоя қиладди тожик адиби ва адабиётшуноси, Айний замондоши Раҳим Ҳошим. — Биз ёзувчи Шокир Сулаймон билан устод ҳузурига бордик. У киши сандалда ўтириб «Қуллар» романини ўзбек тилида ёзаётган эканлар. Салом-аликдан сўнг бизни ўтиришга таклиф қилдилар.

Шимининг қирраси бузилмаслиги учун Шокир Сулаймон сандалга ўтиргиси келмай, курсига жойлашди, Буни пайқаган устод:

— Мулло Шокир, сандалдан қочмай, кўрпага ўлтираверинг, — дедилар.

Шокир Сулаймон эса ҳазиломуз:

— Сандал — эскилик сарқити, устулда ўтириб ижод қилишнинг ўзига хос гашти бор, — деб қолди.

Шокир Сулаймоннинг бу ҳазили Айнийга ёқмади, шекилли:

— Хўш, мулло Шокир, сиз давлатнинг печкалик уйларидаги устол-устулларга ўлтириб, адабиётимизга нима беряпсиз? Мен «Одина» ва «Доҳунда»ни шу сандал атрофида ёздим, — деди. Бу ўринли танбеҳдан қип-қизариб кетган Шокир Сулаймон анча изза бўлиб мулзам тортди.

Ҳаёт ҳақиқати

СССР ёзувчиларининг Бутуниттифоқ I съездига тайёргарлик бошланган йилларда (1934) Максим Горький бошчилигидаги қардош адабиётлар билан алоқа қиладиган бир қанча бригадалар тузилган эди. Ёзувчи В. Ермилов бошчилигидаги Ўзбекистонга келган бир гуруҳ ёзувчилар республикамиз ҳаёти билан танишадилар, ижодий эшелонлар ва меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказадилар. Миллий адабиёт ва санъатни ривожлантириш масалалари хусусида ёзувчи ва санъаткорнинг ижодий баҳслари бўлиб ўтади. Самарқандда ўтказилган ана шундай учрашувлардан бирида Айний ҳам иштирок этади. Шунда В. Ермилов унга шундай савол берган экан: «Айтинг-чи, нима учун ёш ёзувчиларимиз ўтмиш тарихимизни ёритувчи «Одина», «Доҳунда», «Қуллар» сингари асарлар ёзишмаяпти? Сиз шахсан бу масалага қандай қарайсиз?» Ушанда Айний рус тилида: «Товарищ Ермилов, как мой «Дохунда» и «Раби» писать молодой писатели вперед 75 палки кушат надо», деб жавоб берган эканлар.

Бунинг маъноси шу: «Мен умримнинг 75 дарра калтагини едим, ҳаётнинг оғир дамларини бошимдан кечирдим, ёшлар эса ўтмиш ҳаётини фақат китоблардан ўқийдилар, кинолента-лардан томоша қиладилар».

М. ҲАСАНОВ тўплаган.

Гулсара опанинг гуллари



Ошкент шаҳри яқинидаги Школьная кўчасида бир хонадон бор. Уй бекаси Гулсара Раззоқова бўш пайтларида гуллар етиштиради. Бу ерда ҳеч шубҳасиз нафаси сезилиб турарди, катта-кичик тувакларда кўлф ураётган табиат инъомидан баҳри-дилингиз очиларди. Барча хоналарда гуллар, токчаларда, деворларда ҳам гуллар... Гулсара опа гулчилик ҳақида сўзлаб берди.

— Гуллар бор жойда гўзаллик, яхши кайфият бор, деймиз. Уз турмушимдан ҳам шундай хулоса чиқараман. Бундан икки ярим аср муқаддам чизилган ва муаллифлари ҳалигача номаълум бўлган «Подшо Иван Алексеевич портрети» ва Суздаль митрополити Иларион портрети»да Россия арбобларининг образлари тасвирланган. В. Боровиковский қаламига мансуб, деб ҳисобланаётган икки асар — «Граф Д. А. Толстой портрети» ва «Қизил либосли чол портрети» ранг тасвир сентиментализми услубида яратилган бўлиб, томошабинларнинг диққатини ўзига тортмоқда.

Иркутскликларнинг кўп авлодлари ўзида рус сайёҳлари ва кашшофларининг битмас-туганмас руҳини сақлаб келди. А. Корзухин мўйқалами билан чизилган расмда сибирлик савдогар ва олтин конларининг эгаси А. М. Сибиряков иродали, фаол ва кучли шахс сифатида гавдаланади. «Ҳаммага фойдали бўлган кўп ишлари билан машҳур» бу киши ўлка тарихида сезиларли из қолдирган. А. Сибиряков Сибирь ва шимолий муз океани экспедицияларини пул билан таъминлаган ва уларда шахсан иштирок этган, ўзининг бойлигини рус географияси жамияти фондига ҳамда Томск университетига асос солишга садақа қилган. Унинг совғаси П. Антокольскийнинг машҳур Иван Грозний скульптура портрети ва И. Айвазовский асарлари эса ҳозир Иркутск музейи мажмуалари қаторидан ўрин олган.

Иркутск область бадиий музейи шаҳар бошлиғи В. Сукачевнинг картиналар галереяси билан бошланиб, унга 1870 йилда асос солинган эди. Ҳозир бу музей, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги санъат асарлари жуда кўп тўпланган даргоҳ ҳисобланади. Унинг мажмуаларида рус, Ғарбий Европа, шарқ санъати, ҳозирги замон Сибирь рассомларининг асарларидан ташкил топган 14 мингтадан кўпроқ экспонат бор. Музей фондларида рус иконаларининг жуда бой мажмуаси тўпланган. Улар орасида XVI аср Ярослав мактабида ишланган икона — «Қўл билан тиклаб бўлмас спос» иконаси алоҳида ўрин эгаллайди. Иркутскликлар ўз шаҳарларига пойдевор қўйилиши тарихини ана шу асар билан алоқадор ҳисоблайдилар. Ермакнинг сафдоши казак Галкин бошчилигидаги рус сайёҳлари Байкал соҳилларини забт этиш учун худди ана шу икона билан борган эдилар.

— Совет даврида музейимиз фонди давлат рус музейи ва Третьяков галереяси коллекциялари билан бойиди, шунингдек, мамлакат коллекционерлари тўплаган шахсий асарлар ҳисобига ҳам тўлдирилди, — деди ЎзТАГ мухбирига кўргазма очилишида сўзга чиққан Иркутск музейининг директори Е. Зубрий. — Экспонатларимиз мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида ва чет элларда намойиш қилинган. Рус рассомлари асарларининг мажмуаси ўтган йилнинг кузида Польшада кўрсатилди. Яқин вақт ичида замонавий Сибирь мусаввирларининг асарлари ва Сибирь халқлари манзарали-амалий санъати буюмлари Австралияга юборилади. Иркутск области билан Ўзбекистон музейлари ўртасида кўргазмалар алмашиш доимий тусда бўлади, Ватан ва жаҳон маданияти ҳақидаги билимларимизни бойитади, деб умид қиламиз.

⊙ СУРАТДА: кўргазма залида.

Т. Каримов фотоси.

Ким кучли?

Ким синфда энг кучли,
Қўрқмасларнинг қўрқмаси?
Дарсдан кейин бир куни
Қизиди ёшлар баҳси.
Ҳамма Холни билярди
Куч-қудратда тенгсиз деб.
Боксга зўр тушарди,
Қолмасди ҳеч енгилиб.
Аммо унинг номзоди,
Шартга тўғри келмади.
Ўқишдаги ахлоқи,
Бунга ҳеч йўл бермади.
Сафарни-чи болалар,
Чопишига ишқибоз,
Ўйин бўлган паллалар
Ундан ҳеч ким ўзолмас.
Бироқ, шуниси чатоқ,
Ўзлаштириши суст-да,
Ўйлай-ўйлай ўн ўртоқ
Бош чайқашди афсус-ла.
Кучлилар сарасига
Тиркай деса ўз номин,
Қаранг, олиб аксига
Сўзсиз чиқар бир лекин
Ёшлар муҳим бир сирни
Шунда англаб етдилар.
Билим-катта кучлигин
Дилдан идрок этдилар.
Шундай, кимки ўзини
Енгилмас билса агар,
Куч ўрнига илмини
Кўз-кўз қилса соз бўлар.

Совға

Вали Алига айтди:

— **Сенга муҳим бир гап бор.**
Эртага биласанми,
Ун бирга тўлар Жаббор.
Инғиллишиб, ҳаммамиз,
Уни дилдан қутлайлик,
Дурустроқ совғани ҳам
Олишни унутмайлик.
Аливойга бу гаплар
Қаймоқдек ёқиб тушди,
Бошин бир-икки қашлаб,
Фикрин айтишга тушди.
— Туғилган кун, қандай соз,
Мириқамиз роса ҳам.
Агар торт совға қилсак
Бирга кўрардик, баҳам.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Болалар боғи

Муҳаммаджон, уни шундай атай қолайлик, оилада ёлғиз фарзанд эди. Ёлғиз онаси уни қийналиб уйли-жойли қилди. Тўйини ҳам эл қатори ўтказди.

Кунларнинг бирида Муҳаммаджоннинг тўнғичи Фаридахон қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Келин оғир оёқли, бўлгани туфайли набирасини олиб қасалхонага онанинг ўзи ётди.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Муҳаммаджондан эса дарак йўқ. Негадир «бошлиқ»лар иши учун ҳозиру нозир бўладиган ўғли ўз қондошларига қолганда оёғи «оқсаб» қолди. Фариданинг дарди кундан-кунга зўраяр, иситма аралаш «дада, дадажон» дея чинқирар, аммо у кўринмасди. Ҳайриятки, врачлар бор экан. Улар туфайли Фариданинг соғлиғи кун сайин яхшилана борди. Энди у бувисининг ёрдамида очиқ ҳавога чиқар, бемалол сайр қилар, ҳовлида юрган кезлари касалхона дарвозаси томон тез-тез кўз қирини ташларди.

Ҳар икки қўнгилда ҳам бир хил илинж бор эди. Мурғак қўнгил ўз пуштикамарини, кекса қалб эса фарзандини кутарди. Иккала қалбда ҳам бир хил туғён мавж урарди: «Бугун келиши керак». Лекин туғён сиртга чиқмасди. Мана шу манзара кунда, кунора такрорланар, қизча ўз онаси келса ҳам энди парво қилмас, у дадажонисини кутарди. Ўша қун келди ҳам. Тасодиф бўлиб Муҳаммаджоннинг «катта» бошлиғи ҳам Фарида ётган қасалхонага жойлаштирилди. Ўша куни қизча бувиси билан хиёбонда сайр қилиб юришарди. Бирданига касалхона дарвозасидан Муҳаммаджон қўлида катта тугун билан ҳаллослаганча кириб кела бошлади.

— Дадам келяптила, — дея Фарида унга томон чопқиллади. Она кўзларида ҳам севинч нурлари порлади. Қалблардаги ғуборлар ёддан чиққандек бўлди. Севинчидан бўлса керак она ҳам «Ҳой, югурма, йиқилиб тушасан. Дадангнинг ўзи ҳозир олдингга келади» дея набираси ортидан югура кетди. Касалхона дарвозасидан кираётган Муҳаммаджон эса қизи ва онаси у томон югуриб келаётганини кўриб ҳангу-манг бўлиб қолди. «Бу қанақаси? Қизим билан онам ҳам шу ерда экан-да. Оббо, ахир уларга ҳеч нарса олмагандиму. Қизим ҳойнаҳой ул-бул нарса олиб келгандир, деб югуриб келяпти...». Фарида югура келиб отасининг бўйнига ўзини отдию, ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг кетидан энтика-энтика келган она ҳам ўғли олдида тўхтади-да:

— Келдингми, болам? — дея олди ҳолос. — Қизинг сени сўрайвериб ҳол-жонимга қўймаётганди...

Турмуш чорраҳаларида

Хасталик

— Дадажон, энди кетмайсиза? — дея эланиб Фарида отасининг кўксига бошини қўйди. Унинг қувончи шу дамда чексиз.

Она ва қизчаси бидиллаб гапиришаётганига қарамай, Муҳаммаджон ҳар томон олазарак қарар, ниманидир йўқотган кишидек қизчасини тезда ерга қўйди. Унинг хаёлида: «Бошлиғимиз қаерда ётган экан? деган фикр ғужғон ўйнарди.

— Ойи, майли булар ҳақида кейинроқ, — деди Муҳаммаджон. — Қизим, бор бувинг билан айланиб тур. Мен хўжайинимиз ётган палатани топиб уни кўриб чиқай. Кейин олдингизга кирарман...

Фарида йиғламсираб отасидан ортда қолди. Муҳаммаджон эса навбатчи-ҳамшира томонга кетди.

Касалхона дарвозаси олдида эса кўзлари ёшга тўлган касалманд қизча ва нури дийдасининг қилмишидан саза бўлган она қўлдаги тугунни авайлаб қўтариб кетаётган ўғлининг кетидан қараб қолишаверди. Лекин иккала кўнгил яна бир-бирига тасалли бериб: «Ахир хўжайинни кўриб чиқаман, деб айтдику» деган ўй-фикр билан хиёбонни сайр қила бошлашди...

Кун кеч бўлса ҳамки улар палаталарига киришмади. Онанинг юрагида яна дард пайдо бўлди. «Наҳотки, ўғлим бизни алдаган бўлса. Балки бошлиғидан «гап» эшитгандир. Баъзан шундай бўларди. Ўғил бошлиғидан «гап» эшитиб қайтса, фиғони-фалакка чиқар, ҳар нарсага жаҳли чиқаверарди. «Ишқилиб уйга бориб, келинимни урмаган бўлса бас». Онанинг ўй-фикри ўзи билан қолди. Ўғил ўша куни ҳам касалхонага келмади, балки келгандир... Фарида ўша кундан бошлаб ўзгарди-қолди. Ҳар куни ндамай дори-дармонни истеъмол қиларди. Энди-чи уларга рўйхуш бермай қўйди. Фарзанд ва она яна ўша илинж билан Муҳаммаджонни дарвоза олдида кутишар, ҳеч бўлмаса бошлиғи олдига келганда уни учратиб қолармиз, деб ният қилишарди...

Д. ЖАЛОЛОВ,
А. ҲАҚБЕРДИЕВ.



«Айбга буюрмангиз, ҳазил»

Бир неча кун муқаддам В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида ичакузди томошалар намойиш этилди. Тўхтамурод Азизов раҳбарлигидаги «Кўзгу» сатирик-юмор клубининг кулги усталари ўз санъатларини намойиш этишди.

Номерлар ниҳоясига етгач, вақтни бой бермай Тўхтамурод акани излашга тушдик. Хайрият, кечикмабмиз, «ушладик».

— Бопладингларр... Ҳамма қотиб-қотиб кулди ўзиям.

— Раҳмат. Энди қўлдан келганчада. Ҳориб-толганингда бир оғиз шундай илиқ гап эшитсанг, чарчоқларинг ҳам ёзилиб кетади.

— «Кўзгу» ташкил этилганига қанча бўлди?

— Бир ярим йил бўлай деб қолди. У Абдулла Қаҳҳор номидаги Маданият уйи қошида ташкил этилган. Илгари шунчаки районларга чиқиб концертлар бериб юрардик. Вазият клуб ташкил этишни тақозо этди.

— Қишда намойиш этилган номерлар томошабинларга жуда ёққанди... Бугунги туғруқхона ҳангомаси ҳам яхши чиқибди.

— Халқимиз кулгисевар. Бир нарсани кетма-кет қайтарсак бўлмайди. Шунинг учун ҳам томошаларни замон, қайта қуриш руҳига мослаб тайёрлаяпмиз. Масалан, бу гал кинога ва маиший хизмат ходимлари фаолиятига тўхталдик. Агарда кимларгадир сал тегиб кетса, олдиндан кечирим сўраймиз, бу ҳазил, албатта. Лекин, олдимизга қўйилган мақсад ҳам шу, турмушимизда учраётган нуқсонларни ҳазил йўли билан тугатишга ҳисса қўшиш.

— Режаларингиз...

— Режалар жуда кўп. Биринчиси республикамиз областларига чиқиб халқимизни теша тегмаган гаплар билан кулдириш. Қолганларини олдиндан айтиб қўйсам бўлмас.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

⊙ **СУРАТДА: (чапдан) Ботир Муҳаммадхўжаев, Тўхтамурод Азизов, Обид Асомов, Мирзабек Холмедов ва Собит Асомов навбатдаги чиқишга тайёрланишаётган пайт.**

Х. Мирзакаримов фотоси.

17 апрелдан—23 апрелгача Телепрограммалар

⊙ ЎзТВ

15.30 «Зарипов йигитлари». Фильм-концерт. 16.00 «Чегем ҳангомаси». Бадиий фильм (Мосфильм» — «Грузияфильм»). 17.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Гражданлик ҳуқуқи. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. «Эртак бошланади». 18.30 Болалар учун. «Колокольчик» (рус.). 19.00 Ўт ўчирувчилар кунига, «01 хизмати». 19.30 «Пахтачилик: тажриба ва муаммолар». Сирдарё области суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини ошириш ҳақида. 20.20 «Нотаниш Бухоро». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.40 Ўзбекистон Давлат телерадиоси Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Ўт ўчирувчилар кунига. «Шаҳарни ёпган киши». Бадиий фильм («Мосфильм», рус). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм. (Рига киностудияси). 20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. Давра суҳбати. Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети II пленуми олдидан.

17 апрель, душанба

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Оҳанги зиндаги». 23.15 «Музикали ҳаёт панорамаси.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 17 апрель душанба куни МТ I ва МТ II кўрсатувлари соат 19.00 дан бошлаб олиб кўрсатилади.

⊙ МТ I

19.00 Болалар соати (француз тили дарси билан). 20.00 «Давлат бюджети: даромадлар ва харажатлар». СССР Молия министрлигидаги матбуот конференциясидан репортаж. 20.30 «Икки турмуш, икки тақдир». 1-қисм. 21.30 «Время». 22.05 «Икки турмуш, икки тақдир». 2-қисм. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 ССР Иттифоқи Давлат академик Катта театри солистларининг концерти.

⊙ МТ II

19.00 Янгиликлар. 19.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. ГФР — СССР терма командалари. 1-давр. Швециядан кўрсатилади. 19.55 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. ГФР — СССР терма командалари 21.30 «Время». 22.05 Ҳужжатли фильмлар экрани. «Унинчи «Аэга қайтиш». Ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»). 23.05 Янгиликлар. 23.15 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув (такрор).

⊙ ЎзТВ

15.00 «Рассом Рўзи Чориев». Манзарали фильм. 15.15 «Эдгар ва Кристина» Бадиий фильм. 16.35 Зоология. Приматлар. 17.05 «Ноёб автомобиллар». Телефильм. 17.20 «Республика рус тили ва адабиёти институти — 25 ёшда». 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Полизчи хўтик». Кўғирчоқ фильм. 18.30 «Сабантўй» татар ансамблининг концерти. 19.00 Социалистик қонунчилик ва демократия». Маъмурий жавобгарлик. 19.30 «Хўжалик ҳисоби амалда». Олмалиқ кимиё заводининг иш тажрибаси ҳақида (рус). 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 «Пярну — спорт шаҳри». Телефильм. 20.50 «Камолот сари». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 «Ахборот». 22.35 «Унутилмас сатрлар». Бобур. В. И. Ленин номли ТошДУдаги адабий кечадан ёзиб олинган. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.20 «Жиноят». Бадиий фильм. «Муросасизлик». 1-фильм («Мосфильм»). 20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Кичкинтой куливоқ!». Бевосита мулоқот. Телетомошабинларнинг саволларига Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш ходимлари жавоб берадилар.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 Бевосита телевизион суҳбат. Кўрсатувда Тожикистон ССР ФА президенти С. Х. Неъматуллаев иштирок этади. 23.15 «Фарзанди нағз-боғи падар».

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Икки турмуш, икки тақдир». 11.05 Янгиликлар. 11.15 «Бу бўлган... бўлганди...». 11.35 Болалар соати (француз тили дарси билан). 12.35 Халқаро конкурслар лауреати Н. Демиденко чалади (фортепьяно).

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожекторн». 16.20 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Турар жой массиви» (Новосибирск), «Узоқ Шарқ». Киножурнал (Узоқ Шарқ кинохроника студияси). 17.00 Мультфильмлар: «Аждоҳонинг сўнгги қайлиғи».

18 апрель, сешанба

«Икки масхарабоз». 17.30 «Александр Арутюнян. Композитор портретига чизгилар». Фильм-концерт. 18.30 Футбол шарҳи. 19.00 «Айболит ва Бармалей». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Матбуот билан учрашув. «Экономика ва илмий-техника тараққиёти». Кўрсатувда СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Давлат фан ва техника комитети раиси Б. Л. Тотский иштирок этади. 19.45 Ёдгорликларни муҳофаза қилиш халқаро кунига. «Бизнинг мерос». «Кўҳна чиройини тиклаб...» 20.35 Актуал объектив. «Чақмоқ» операцияси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Террористлар томонидан Оржоникидзе шаҳрида гаров олинган маҳсус қўшинларни асраб қолишнинг СССР Ички ишлар министрлиги ҳамда Давлат хавфсизлик комитети органлари билан ишлаб чиқилган операцияси ҳақида. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Финляндия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Дунё воқеалари».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «...ва биз Россияни ўзгартириб юборамиз. Ульянов». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10-синф Электр энергиясини ишлаб чиқиш ва узатиш. 10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. Онлавий турмуш этикаси ва психологияси. Телетомошабинларнинг хатларига жавоб берамиз. 11.55, 12.35 Музика. 3-синф. В. И. Ленин ҳаётида музика. 12.05 Француз тили. 2-йил. шуғулланаётганлар учун. 13.05 «Чақирилмаган дўст». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 14.30 Янгиликлар. 14.40 Ритмик гимнастика. 15.25 Кичик концерт. 15.40 «Робинзон Кузя». Мультфильм. 16.00 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. «Ақл бовар қилмайдиган гаров ёки бундан юз йил муқаддам яхшилик билан тугаган бўлган воқеа». Телевизион бадиий фильм («Экран»). 17.15 Янгиликлар. 17.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Канада — АҚШ терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади. 20.00 Талабларингизга биноан такрорланади. «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». Ватанимиз стоматологиясининг муаммолари ҳақида. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. «Ақл бовар қилмайдиган гаров ёки бундан юз йил муқаддам яхшилик билан тугаган бўлган воқеа». Телевизион бадиий фильм. 23.30 Бизнинг фондимиздан. СССР Давлат телерадиоси академик Катта хорининг концерти. Бош дирижёр — СССР халқ артисти Л. Ермакова. 00.25 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

15.00 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма. 16.20 «Жиноят». Бадиий фильм. «Муросасизлик». 1-фильм. 17.30 Ўзбекистон ССР тарихи, Ўзбекистон ССР нинг ташкил топиши. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Петканинг қилиқлари». Мультфильм. 18.35 С. Азимов. «Кўзлари чўлпон». Теленовелла. 19.30 «Чорвадор программаси». «Паррандачилик саноат асосида». 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Муносабат». Ўзбекистон маликаси республика кўрик-конкурси ҳақида. 20.45 «Хат ва ҳаёт». 21.30 Москва «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 «Ахборот». 22.35 «Мақом кечаси». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Эркин қуш», «Махсус цех», Телефильмлар. 20.00 «Киноят». Бадиий фильм. 2-фильм — «Қаллоблик». 1-серия («Мосфильм»). 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». Информацион кўрсатув. 21.15 «Приморье чиннисининг жилоси». Телефильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 «Фан уфқлари». Кўрсатувда Қирғизистон ССР ФА президенти А. Акаев иштирок этади (рус). 22.45 «Қирғиз санъати кишилари». Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Турсунбоева.

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 «Бизнинг мерос». «Кўҳна чиройини тиклаб...». 10.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Финляндия терма командалари. 2-давр. Швециядан кўрсатилади (18 апрелдаги такрорланади). 11.00 Янгиликлар. 11.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Финляндия терма командалари. 3-давр. Швециядан кўрсатилади (18 апрелдаги такрорланади). 11.50 «Оламга саёҳат». Альманах.

19 апрель, чоршанба

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожекторн». 16.20 «Музикали хазина». Л. В. Бетховен, Я. Сибелиус, И. Брамс асарлари. 17.10 «Биз ёлғиз гувоҳларгина бўлиб қолманганмиз». Поляк интернационалистлари С. Пестковский, Ю. Лешчинский ва В. Фигельскийларнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Гражданлар урушидаги иштироки ҳақида ҳужжатли фильм. 17.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.30 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама ». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Агро» тележурнали. КПСС Марказий Комитетининг март (1989 й.). Пленуми материаллари асосида. 20.00 ПХР фольклор коллективларининг концерти. 20.25 Адабий-бадиий видеоканал. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 Адабий-бадиий видеоканалнинг давоми. Танаффус пайтида (23.30) — «Дунё воқеалари».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Ленин билан 250 соат». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Умумий биология. 8-синф. Гигиена ва физиология ҳақида суҳбатлар. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Музика. 11.35, 12.35 А. Н. Толстой. «Рус характери». 6-синф. 12.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.05 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. «Ақл бовар қилмайдиган гаров ёки бундан юз йил муқадам яхшилик билан тугаган бўлган воқеа». Телевизион бадиий фильм. 14.20 Янгиликлар. 14.30 Халқ куйлари. 14.45 Дўстларимиз экрани. «Қайтиш учун билет». Бадиий фильм. (ПХР.). 16.15 Белоруссия ССР Давлат телерадиоси. Белоруссия телевидениесининг программаси. 17.10 Мультфильм. 17.20 Янгиликлар. 17.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Польша терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади. 20.05 Озарбайжон ССР Саатли райони «Адиген» турк фольклор ансамблининг концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Хафагарчилик». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси). 21.15 Рус халқ қўшиқларини И. Акчарова куйлайди. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 Дўстларимиз экрани. «Қайтиш учун билет». Бадиий фильм (ПХР.). 23.45 Янгиликлар. 23.55 Қалмиқ АССР Давлат «Тюльпан» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

Ўтган шанба куни биз оқшомхонлардан Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини илтимос қилгандик. Бу мурожаатга жавобан телетомошабинлардан телефон орқали олинган дастлабки таассуротларни эълон қиламиз.

⊙ М. Азимов, Калинин районидаги 1-мактаб ўқитувчиси.

— «Ассалому алайкум» информацион-музикали программаси ёқади. Иложи бўлса у ҳар куни кўрсатилиб борилса. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви охирги пайтларда камайиб кетди.

Кўпгина фильмлардаги кишини хижолатга соладиган айрим эпизодлар, баъзи бир санъаткорларнинг бачкана ўйинлари очиғи менга ёқмайди. Рок музикалари, ярим ялангоч қизлар, типратикан сочлилар телекўранда тез-тез пайдо бўляпти. Бундай томошалар ёшлар тарбиясига таъсир этади, деб ўйлайман.

⊙ А. Нуриддинов, 41-ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси.

— Истагим, «Ўзбекфильм» ва Ҳиндистон киностудияларида ишланган бадиий фильмлар тез-тез намойиш этиб турилса. Бу ҳафта программасида менга ёққанларидан «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви бўлди. Яна аскиячи ва қизиқчилар чиқиб туришса, дегандим.

⊙ Ш. Исломова, Оржоникидзе районидаги 2-мактаб ўқитувчиси.

— Бу ҳафтада менга А. Орипов ҳақидаги «Ўзбекистон — Ватаним менинг» адабий театри, «Отадар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви манзур бўлди.

Аниқ бир нарса манзур бўлмади, дея олмайману, соат 15 дан 20 гача кўпгина кўрсатувлар кишини жалб этмайди. Болаларга ажратилган вақт назаримда етарли эмас. Уларга атаб ҳар куни ранг-баранг программалар тузилса, дегандим.

⊙ М. Маҳмудова, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти 1-курс талабаси.

— «Ассалому алайкум» информацион-музикали программаси гап-сўз билан ўтяпти. Унда қўшиқ ва рақсларга кенг ўрин берилса. Илгари қизиқарли чиқарди, кейинчалик негадир сусайди.

Яна бир таклифим: телевизион миниатюралар театри такрорий намойиш этиб турилса.

⊙ А. Илҳомов, Ўзбекистон ССР мебель саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўқув. техника ишлаб чиқариш комбинати ҳайдовчиси.

— 11 апрелда намойиш этилган «Анъана ва замон» кўрсатуви менга унчалик ёқмади. Сабаби, фикр бору, бироқ қизиқарли, мунозарали бўлмади. Мультипанорамалар камайиб кетди. Уларни бўлиб-бўлиб қўймай, бошида кириш сўзи бўлсинда, буёғи бир текисда кетаверсин. Шунда болаларнинг хаёли бўлинмайди.

Нуриддин Ҳамроқулов концерти ёқди. Шу каби хушовоз хонандалар экранга олиб чиқилса.

Раҳмат. Қўнғироқларингизни кутамиз.

Телефон олдида Р. БОБО. МУҲАМЕДОВ навбатчилик қилди.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Биргаликда «заҳгори экран» олдида

«Қайсиси манзур, нима ёқмайди?»

⊙ ЎзТВ

15.00 «Шахс болаликдан бошланади». Телефильм. 15.40 «Жиноят». Бадиий фильм. 2-фильм — «Қаллоблик». 1-серия. 16.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Жадвал катталикларни ва уларни қайта ишлаш. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизғанчиқ». Мультфильм. 18.25 «Иқтисодий билимлар мактаби». Ишлаб чиқариш иқтисодий таълими, реаллик ва истиқболлар. 19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.15 «Музикали учрашувлар». Н. Ҳайдаров, М. Исломова, М. Юсуф. 21.30 Москва. «Время.» 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Ахборот». 22.35 Ретро. Экранда — «Ўзбекфильм» киностудиясининг фильмлари. «Ҳамза» (рус.). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Жиноят». Бадиий фильм. 2-фильм — «Қаллоблик». 2-серия. 20.30 Реклама. 20.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Кескин танқид остида». (рус.).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Нооруз — 89». Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон театр санъати фестивалининг очилишидан репортаж (рус.). 22.30 «Тиканли экран». Совет савдоси қоидалари жиддий бузилаётганлиги ҳақида (рус.). 23.10 «Бемаъни латифа». Бадиий фильм, субтитр билан (рус.).

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Япон Эйч-кей радиоси ва телевидениеси болалар хорининг концерти. 10.10 Актуал объектив. «Чақмоқ» операцияси». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.05 Янгиликлар. 11.15 Калилин область филармонияси «Орнамент» рус халқ чолғулари ансамблининг концерти. 11.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 «Замондошимиз портрети». Ҳужжатли фильмлар: «Худди нотадагидек», «Ишбилармон аёл». 17.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 17.45 «Фан: назария, тажриба, практика». 18.30 Миллатлараро муносабатлар: тарихий тажриба ва муаммолар. Тошкентда бўлиб ўтган регионал илмий-амалий конференцияси. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Коло» ансамбли ижро этади (ЮСФР). 20.00 А. Миронов иштирок этган фильмлар. «Автомобилдан сақланинг!» («Мосфильм»). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Польша Халқ республикаси ташкил топганлигининг 45 йиллигига бағишланган СССРда Польша маданияти кунларининг тантанали очилиши. «Мечислав Карлович» балети. Лодзе Катта театрининг спектакли. 00.15 «Дунё воқеалари.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Кўрқув ва киноэкрансиз», «Ишчилар иши учун кураш байроғи». 9.35, 10.35 Умумий биология. 10-синф.Популяциялар генетикаси ёки мушуклар ва генлар. 10.05 Испан тили. Ишғулланаётганлар учун. 11.05 «Илмий-оммабоп фильм. 11.35, 12.35 Тараққиёт ва биатшунослик. 2-синф. Ҳайвонлар кўкламни қандай кутиб олади? 12.10 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.00 Дўстларимиз экрани. «Қайтиш учун билет» бадиий фильм. 14.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция терма командалари. 2-давр. Швециядан кўрсатилади. 15.10 Янгиликлар. 15.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция терма командалари. 3-давр. Швециядан кўрсатилади. 16.00 «Ульяновск ласида музика». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. 17.00 биат билан ҳамжиҳатликда». Ҳужжатли фильмлар: «Қора «Латвиянинг қизил китоби». Янгиликлар. 17.45 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Бурч». Қисқа метражли левизион бадиий фильм (Шимолий Осетия телевидение студияси). Премьера. 18.30 «Қадрдон ўлкам». Ўзбек туркумидан ҳужжатли фильм. 19.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия—Швеция терма командалари. 1 ва 2-даврлар. Швециядан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция терма командалари. 2-давр. Швециядан кўрсатилади. 21.25 Реклама. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.35 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. Қисқа метражли телевизион бадиий фильм (Шимолий Осетия телевидение студияси). Премьера. 23.05 Янгиликлар. 23.10 Ф. Бузони. «Концерт» симфоник сюитаси.

⊙ ЎзТВ

15.00 «Рассом Рўзи Чориев». Манзарали фильм. 15.15 «Эдгар ва Кристина» Бадиий фильм. 16.35 Зоология. Приматлар. 17.05 «Ноёб автомобиллар». Телефильм. 17.20 «Республика рус тили ва адабиёти институти — 25 ёшда». 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Полизчи хўтик». Кўғирчоқ фильм. 18.30 «Сабантўй» татар ансамблининг концерти. 19.00 Социалистик қонунчилик ва демократия». Маъмурий жавобгарлик. 19.30 «Хўжалик ҳисоби амалда». Олмалиқ кимиё заводининг иш тажрибаси ҳақида (рус). 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 «Пярну — спорт шаҳри». Телефильм. 20.50 «Камолот сари». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожекторн». 22.15 «Ахборот». 22.35 «Унутилмас сатрлар». Бобур. В. И. Ленин номли ТошДУдаги адабий кечадан ёзиб олинган. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.20 «Жиноят». Бадиий фильм. «Муросасизлик». 1-фильм («Мосфильм»). 20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Кичкинтой куливоқ!». Бевосита мулоқот. Телетомошабинларнинг саволларига Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш ходимлари жавоб берадилар.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Бевосита телевизион суҳбат. Кўрсатувда Тожикистон ССР ФА президенти С. Х. Неъматуллаев иштирок этади. 23.15 «Фарзанди нағз-боғи падар».

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Асрлар садоси». Телевизион ҳужжатли фильм. (Тошкент). 9.30 «Баҳор оҳанглари», «Баланд тепалик». Мультфильмлар. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Қалбга яқин қўшиқлар. 10.50 «Йил фасллари». Апрель.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.25 Болалар учун фильм. «Ёнгинангда» (Свердловск киностудияси). 17.35 «Кишлар қалбида мангу қолади». Ҳужжатли фильм. 18.05 А. Скрябин. «Прометей». (Олов поэмаси). 18.35 «Дунё воқеалари». 18.50 Ҳужжатли фильмлар: «Ульяновскка, Ленин ҳузурига», «Ленин Виборгда». 19.25 П. И. Чайковский. Торли оркестр учун серенада. **19.55 В. И. Ленин туғилган кунининг 119 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.** Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время». 23.00 «Бу бўлган... бўлганди....». 23.20 «Нигоҳ».

20 апрель, пайшанба

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «НЭП: тарих сабоқлари». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Музика. 1-синф. Симфоник оркестр чолғулари. 1-кўрсатув. 9.55 «Акварикум». Мультфильм. 10.05 «Ингичка оммабоп фильм. 10.35 «Сўкмоқ». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Қушлар ва ҳайвонлар боғи остида. 11.35, 12.35 Тевараксимон биланн танишиш. 2-синф. Сен ҳам дўстлашишни хоҳлайман. 11.55 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Ингичка тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.55 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Ингичка Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. Премьера. 13.40 Янгиликлар. 13.50 Ритмик гимнастика. 14.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция терма командалари. 2-давр. Швециядан кўрсатилади. 15.10 Янгиликлар. 15.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция терма командалари. 3-давр. Швециядан кўрсатилади. 16.00 «Ульяновск ласида музика». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. 17.00 биат билан ҳамжиҳатликда». Ҳужжатли фильмлар: «Қора «Латвиянинг қизил китоби». Янгиликлар. 17.45 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Бурч». Қисқа метражли левизион бадиий фильм (Шимолий Осетия телевидение студияси). Премьера. 18.30 «Қадрдон ўлкам». Ўзбек туркумидан ҳужжатли фильм. 19.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия—Швеция терма командалари. 1 ва 2-даврлар. Швециядан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция терма командалари. 2-давр. Швециядан кўрсатилади. 21.25 Реклама. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.35 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. Қисқа метражли телевизион бадиий фильм (Шимолий Осетия телевидение студияси). Премьера. 23.05 Янгиликлар. 23.10 Ф. Бузони. «Концерт» симфоник сюитаси.

⊙ ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 «Лада» чет элда». Телефильм. 10.20 «Учар йигит». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 11.30 Спорт программаси. 1. ЎзССР Министрлар Совети совғини учун теннис бўйича халқаро турнир. 2. Ҳовлимиздаги стадион». 12.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон агитпоездди Фарғона водийсида. 13.10 «Объективда — қайта қуриш». «Вторичные ресурси» ишлаб чиқариш бирлашмасининг иш тажрибаси ҳақида. 13.40 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 14.40 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». Телетомошабинларнинг саволларига ЎзССР ИИМ ГАИ бошқармаси ходимлари жавоб берадилар.

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун концерт. 18.45 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.20 «Ленин берган саодат». Музикали композиция. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Шундай аёллар яшайди». Врач З. Абдуллаева ҳақида телеочерк. 20.30 «Ленинданн ўрганиб». Илмий-оммабоп фильм. 20.45 И. Шамякин. «Нон». Телевизион новеллалар театри. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 «Ишонч». Бадиий фильм. («Ленфильм»). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Лабиринт». Мактаб ўқувчилари учун программа. 18.40 Бадиий фильм. 20.00 Информацион программа. 20.30 «Камалак». Ленин районидаги «Россия» колхозидан репортаж (ўзб.). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ленинном». Тожик саҳнасида В. И. Ленин образи. 22.45 «Она садоқати». Бадиий фильм.

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Сиз яратган боғ». 9.35 Мультфильмлар премьераси: «Дарахт ва мушук» («Киевнаучфильм»), «От» («Ўзбекфильм»), «Ара, бара, пух» («Союзмультфильм»). 10.05 «Келажакка қандай эришамиз?». Ҳужжатли фильм. 11.30 «Сени севаман, ҳаёт!». Телевизион фотоконкурс. 11.35 М. Кугель чалади (альт). 12.00 «Социализм мамлакатларида». 12.30 «Оташқалб ҳақида афсона». Мультфильм. 12.45 «Витебск фестивалининг хроникаси». Поляк қўшиқлари. Бутуниттифоқ фестивали ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 14.00 Аслини олганда. «Экология ва технология» (бевосита мулоқот). 15.30 «Тумор». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 16.35 «Ҳайвонот оламида». 17.35 «Гармоника, баян, аккордеон». Союзлар уйининг Колонна залидан концерт. 18.55 Халқаро программа. 19.55 «Ленин Польшада». Бадиий фильм («Мосфильм» ва «Студио», Польша). 21.30 «Время». 22.05 «Шекспирнома».

21 апрель, жума

⊙ ЎзТВ

15.00 «Жиноят». Бадиий фильм. 2-фильм — «Қаллоблик». 2-серия. 16.05 «Йўл ёқасидаги уй». Фильм-балет. 16.45 Физика. Атом ва ядронинг физик хоссалари. 17.35 «Печора ёнида, дарё ёқасида». Телефильм. 17.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши (рус.). 18.00 Янгиликлар 18.15 «Қуёнвойникида ҳовли тўйи». Мультфильм. 18.35 «Шоирлар — болаларга». Толиб Йўлдош. 19.10 Адабий театр. «Ленинни ўйлайман». 19.40 «Ахборот» (рус.). 19.55 Москва **В. И. Ленин туғилган кунининг 119 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш.** Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.15 Москва. «Время». 21.45 «Ахборот». 22.05 «Айниқса Америка билан». Ҳужжатли фильм. 22.40 «Она қалби». Бадиий фильм. (М. Горький номли киностудия). 00.20 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.20 «Ўзбекистон композиторларининг скрипка миниатюралари». 19.35 «Ёмғирлар». Телефильм. 20.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Амалий ишлар даври». Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети II пленуми материаллари асосида. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». Информацион кўрсатув (рус.). 21.15 Москва. «Время».

⊙ МТ I

1-кўрсатув. 9.55 «Акварикум». Мультфильм. 10.05 «Ингичка оммабоп фильм. 10.35 «Сўкмоқ». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Қушлар ва ҳайвонлар боғи остида. 11.35, 12.35 Тевараксимон биланн танишиш. 2-синф. Сен ҳам дўстлашишни хоҳлайман. 11.55 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Ингичка тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.55 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Ингичка Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. Премьера. 13.40 Янгиликлар. 13.50 Ритмик гимнастика. 14.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция терма командалари. 2-давр. Швециядан кўрсатилади. 15.10 Янгиликлар. 15.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция терма командалари. 3-давр. Швециядан кўрсатилади. 16.00 «Ульяновск ласида музика». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм. 17.00 биат билан ҳамжиҳатликда». Ҳужжатли фильмлар: «Қора «Латвиянинг қизил китоби». Янгиликлар. 17.45 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Бурч». Қисқа метражли левизион бадиий фильм (Шимолий Осетия телевидение студияси). Премьера. 18.30 «Қадрдон ўлкам». Ўзбек туркумидан ҳужжатли фильм. 19.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия—Швеция терма командалари. 1 ва 2-даврлар. Швециядан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция терма командалари. 2-давр. Швециядан кўрсатилади. 21.25 Реклама. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.35 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. Қисқа метражли телевизион бадиий фильм (Шимолий Осетия телевидение студияси). Премьера. 23.05 Янгиликлар. 23.10 Ф. Бузони. «Концерт» симфоник сюитаси.

⊙ ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 «Онила даврасида». «Саломат бўлайлик». Кинопрограмма. 10.20 «Биргаликда куйлаймиз». Н. Норхўжаев, П. Мўмин: «Эҳ, бугун байрам». 10.45 «Маҳорат сари йўл». 21-СПТУда компьютер техникасини ўрганиш (рус.). 11.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 12.15 Экранимизда биринчи марта. «Кимсан, чавандоз!». Бадиий фильм («Қозоқфильм»). 13.35 Спорт программаси: 1. «Ўзбекистон спорти». 2. Регби. СССР чемпионати. Олий лига. «Звезда» (Тошкент) — «Спартак» (Москва). 3. Шахмат мактаби. 15.10 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». Бухоро областида маиший хизмат кўрсатиш ҳақида. 15.40 «Сиз севган қаҳрамонлар». Болалар учун кинокўрсатув. 16.40 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18